

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ**  
**фанидан**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

(бакалавриатнинг ўзбек филологияси йўналиши учун)

**ФАРГОНА – 2011**

Мазкур маъruzалар матни ўзбек адабиётшунослиги кафедрасининг  
2011 йил \_\_\_\_\_августдаги 1-йиғилишида мухокама қилиниб, нашрга тавсия  
етилган.

**ТУЗУВЧИЛАР:**

**А.Сабирдинов,  
филология фанлари доктори  
М. ЖЎРАЕВА,  
ўқитувчи.**

**ТАҚРИЗЧИ:**

**Н.СОЛИЕВ,  
ФарПИ доценти, филология  
фанлари номзоди**

## **1-МАЪРУЗА: АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАН СИФАТИДА.**

### **Режа:**

1. Адабиётшуносликнинг объекти ва предмети.
2. Курснинг мақсад ва вазифалари.
3. Таркибий қисмлари.
4. Ёрдамчи соҳалари.

Адабиётшунослик бадиий адабиёт тўғрисидаги фандир. «Адабиётшунослик» атамаси «адабиёт» ҳамда «шиностан» сўзларидан таркиб топган бўлиб, «адабиётни ўрганмок, ўргатмок» маъноларини англатади.

Умуман, «адабиёт» сўзи арабча «адаб» сўзидан олинган бўлиб, илк босқичларда ушбу сўз яхши хулқ, яхши тарбия, юриш-туриш маъносига қўлланилган. XII асрдан бу сўз поэзия, уни ўрганувчи грамматика, риторика кабиларни англатган. XIX аср охирларига келибгина ушбу атама санъатнинг бир соҳаси бўлган бадиий адабиётни англатадиган бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, адабиётшунослик фани бадиий адабиётни, унинг моҳиятини, келиб чиқиши ва ижтимоий алоқаларини йўрганувчи фандир.

Адабиётшунослик - бадиий сўз санъатининг ўзига хос хусусиятлари, бадиий ижоднинг замини, тузилишни ўрганувчи фандир.

Адабиётшунослик фани тарихий-адабий жараённинг маълум давр ёки жойга хос бўлган ҳамда умумий қонуниятлари тўғрисидаги фандир.

Адабиётшунослик Ўз ичига бадиий сўз санъатининг барча соҳаларини қамраб олади. Адабиётшунослик талабаларга бадиий адабиёт тўғрисидаги дастлабки маълумотлар беришни Ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мазкур курсда адабиёт назариясининг қоидалари билан таништирилади. Бундан мақсад, талабаларда бадиий адабиётни тушуниш, уни илмий йўрганиш ва баҳолай олиш малакасини орттиришдир.

Адабиётшунослик атамаси 1842 йилда Олмонияда пайдо бўлди. Атама кейинчалик Россияга ўтган (литературоведение).

Адабиётшуносликнинг объекти - муайян тарихий Шароит билан боғлик равища олинадиган адабий маҳсулот ва унинг яратилиш жараёнидир. Адабиётшуносликнинг предмети - бадиий адабиётдир.

Адабий жараён адабиётнинг ривожланиш йўлидир. Адабиётшунослик адабиётни йўрганар экан, мумтоз ёзувчи ва шоирлар ижоди, уларнинг адабиёт ҳақидаги фикрларига асосланади. Адабиётшуносликка кириш умуман бадиий адабиёт тўғрисидаги дастлабки ва умумий маълумотларни беради. Адабиётшуносликка кириш адабиёт назариясидан соддароқдир.

Ўзбек тилида «адабиёт» атамаси XX аср бошларида пайдо бўлди. Олдинлари бадиий адабиётни англатадиган ягона атама бўлмаган. Унинг Ўрнига «назм, сўз, санои нафиса, абёт, наср, шеър, мусаннифот» каби сўзлар ишлатилган. Жумладан, Алишер Навоий ҳам адабиётга нисбатан «сўз» деган. Шундай қилиб, шеърий ва насрый бадиий сўзни бирлаштириб «адабиёт» деб аташ одат тусига кирмаган эди.

Биринчи маротаба Абдулла Авлоний 1909 йилда «Адабиёт. Миллий шеърлардан биринчи жузъ» номли китоб бостириб чиқарди. Шу китобдагина «адабиёт» сўзи хозирги маънода ишлатилади. Шундан кейин «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 14 ва 16 март сонларида А.Саъдийнинг «Ўзбек адабиёти тўғрисида Ўқиладиган докладнинг асослари» номли мақоласи босилади. 1926 йилда С.Айнийнинг «Намунаи адабиёти тоҷик», Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» (1926) дарслик-мажмуалари, шу йили «Адабий парчалар» номли тўплам нашр этилади. Мана шулар **адабиёт** атамасининг қарор топганлигини кўрсатди. Лекин бу ҳам осонликча бўлган эмас. Ўзбек тилига кириб қолган барча арабча-форсча сўзларни чиқариб, уларнинг Ўрнига ясама сўзларни қўйиш талаби билан чиқсан туристлар бу атаманинг қарор топишига қаршилик қилганлар. Элбек

«адабиёт» сўзини «ёзғичлар» сўзи билан алмаштироқчи бўлади. А.Қодирий, Олтой, Боту, Ойбек ва бошқаларнинг асарларидан тузилган тЎпламни Элбек «ГЎзл ёзғичлар» деб номлаган.

Адабиётшунослик фанини англатадиган атама Ўрнига «илми қофия, илми баён, илми аруз, илми маоний» атамалари ва шуларни Ўз ичига олган «илми адаб» атамалари ишлатилган.

Адабиёт сўзи арабча бўлиб, одоб сўзидан олинган.»**А д а б и ё т**» атамаси кенг маънода умуман ёзма адабиёт, ёзилган нарсалар, босилган китобларни англатади. Тор маънода эса бадиий сўзни, санъат турларидан бири, сўз санъати бўлган бадиий адабиётни англатади.

Аслида XIX асрларгача ҳозирги маънода адабиёт бўлмаган. Олдинги алабиёт намуналари кўпинча ижро, декламация учун ва мусиқага мўлжаллаб ёзилган бўлиб, ижро санъатига мансуб эди. Гегелп учун ҳам адабий асарларнинг ижро учун ёзилиши табиий бўлган. XIX асрга келибгина ижро этишга эҳтиёж бўлмаган, яъни Ўқиш учун адабиёт яратилди. Бадиий асарларни «поэзия» атамаси билан юритиш сабаби эса, олдинлари насрнинг санъат ҳисобланмаганлигидир. Чунки олдинлари бадиий адабиёт тЎла маънода бадиий сўзни қайта ишлаш санъати ҳисобланарди.

Қадимги адабиётда сўз санъати унсурлари мифология, дин, фан куртаклари билан аралаш, уйғун эди, унда турли амалий маслаҳат ва аҳлоқий Ўгитлар бериларди. «Адабиёт» атамасининг «одоб» маъноси ҳам шундандир. Бироқ қадимги адабиётнинг синкретик (аралаш) характеристи унинг эстетик қимматини йўқча чиқармайди. Ўрта асрларда адабиёт нормативлик, бадиий воситаларнинг турғунлиги билан ажралиб турарди. У давр адабиётида санъаткор Шахси ҳали жуда кучсиз намоён бўларди. Бу нарса у давр санъатидаги монументаллик (асослилик, чукур мазмунлилик)ни келтириб чиқаради, лирикани эса фалсафий ва афористик қиласи.

Ҳозирги маънодаги адабиётнинг пайдо бўлишига техника тараққиёти ва китоб босишининг келиб чиқиши сабаб бўлди. Натижада сўз санъати бўлган адабиёт мустакил санъатга айланди. Шунинг оқибатида назмнинг Ўзига хос алоҳида қонунлари емирилиб, сўз санъати ҳалқ тилига яқинлашди. Шундан кейингина адабиёт тЎғрисидаги фан ҳам, назарий тушунчалар ҳам Ўзгарди. Олди1)нги назариячилар адабиётга сўз санъати сифатида қараб, унинг Шаклий томонлари (нутқ, композиция, услугуб ва жанр каби) га асосий эътиборни берганлар. Янги адабиётнинг пайдо бўлиши билан бадиий адабиётнинг мазмунига эътибор кучайди, мавзу, ғоя, характер, метод кабиларга катта эътибор бериладиган бўлди.

Адабиётшунослик фани тилшунослик, тарих, эстетика, психология ва бошқа фанлар билан алоқада бўлади. Масалан, адабиётшунослик сўз билан ифодаланади, сўзни эса тилшунослик Ўрганади. Шунингдек, туюқ жанри ҳақида гапирилса, у омонимик қофиядаги бўлади. Омоним сўзлар қоидасини эса тилшуносликдан топишимиз мумкин.

Адабиётшунослик тарих фани билан ҳам боғлиқ. Адабиётшунослик адабий жараёнга, унинг асарларига баҳо беради. Шунда тарих билан боғлиқ ҳолда таҳлил қиласи.

Эстетика бу барча санъатларнинг назариясидир. Бу рассомлик, ҳайкалтарошлиқ ва кино санъатидир. Адабиёт илми Ўз қоидаларини яратишда эстетикага суюнади. Бу унга образ яратишда керак бўлади.

Адабиётшунослик тиббиёт билан ҳам алоқада бўлади. Масалан, адабий асарларда, жумладан, А.Қаҳҳорнинг «ДаҳШат» хикоясида Унсиннинг Ўлими, «Минг бир жон»да Маствуранинг касалликлари. Бундай ҳолларда ёзувчи, албатта, касалликни тасвирлаш учун аввало, касаллик сирларини ўрганади.

Психология фани эса одамларнинг характерини билиш, уларнинг руҳий ҳолатларини тасвирлаш учун зарур.

**Адабиётшуносликнинг қуйидаги таркибий қисмлари мавжуд:**

1. Адабиёт тарихи.
2. Адабиёт назарияси.

### 3. Адабий танқид.

**1. А д а б и ё т т а р и х и** - бадиий адабиёт тарққиётини, ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини, алоҳида асарларни Ўрганади. Шу билан бирга, адабиёт тарихи ижодий методларнинг пайдо бўлиши ва тақдирини, ҳар бир давр адабиётининг ўша замон билан боғлиқ хусусиятларини ҳам ўрганади, адабиёт фактларини системалаштириб, умумлаштиради. Адабиёт тарққиётида ҳар бир асар ҳар бир ёзувчининг ўрнини белгилаб беради. Адабиёт тарихи алоҳида асарларнинг тарихи ва тақдирини ҳам Ўрганади. Масалан, «Ўткан кунлар» романининг тарихи бор. Бу роман 20-йилларда қораланган сўзоши билан чиққан. Сўнгра тўлиқ китоб бўлиб чиқди. 50-йилларда ва ундан кейин секин-аста оқланди.

Ўзбек адабиёти тарихи бундан икки ярим, уч минг йил олдин пайдо бўлди. «Авесто»нинг ҳам кириб келиши, китоб бўлишига 2700-2800 йил бўлди. 3000 йиллик адабиётимиз тарихининг бўлимлари:

1. Ўзбек мумтоз адабиёти (энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача).
2. XX аср Ўзбек адабиёти (90-йилларгача)
3. Истиқлол даври адабиёти (хозирги кунларгача).

Адабиёт тарихи ҳар бир халқ адабиёти тараққиётининг ЎШа халқ тарихи билан боғлиқ хусусиятларини очади, уни бошқа халқлар билан солиштиради, Ўзаро алоқаларни қайд этади, ҳар бир халқ адабиётининг умуминсоний маданият хазинасига қўшган ҳиссасини белгилайди.

Адабиёт тарихи бадиий адабиётни тарихий тараққиёт жараённида Ўрганади. Адабиёт тарихи адабий ҳодисалар йигиндисидир, яъни бадиий асарлар, адабиётнинг моҳияти, вазифаси ва турлари ҳақидаги фикрлардан иборат. Турли жойларда бир даврда бир хил ғоя ва жанрларнинг туғилиши табиийдир.

Ғарб адабиётининг қуйидаги босқичлари мавжуддир:

1. Қадимги (анттик).
2. Қадимдан Ўрта асрга Ўтиш (эллинизм).
3. Ўрта асрдан янги замонга Ўтиш (ренессанс).
4. Янгидан энг янгига Ўтиш.

Буларнинг ҳар бири даҳо асарлар билан нишонланган.

Адабиёт тарихи деганда барча халқларининг адабиёт тарихи тушунилади. Қирғиз адабиёти тарихи, инглиз, хитой, араб, рус, олмон ва ҳоказо. Инглиз адабиёти тарихи деганда қаерда инглиз халқи яШаса, ЎШа ер адабиёти тушунилади. Марказий Осиё халқлари адабиёти бор. Бунда Ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик адабиётлари жамулжам. Яна туркий халқлар адабиёти ҳам бор. Бунга Сибирдан Марказий Осиёгача бўлган адабиётлар киради. Ғарбий Оврупо ва ҳоказо адабиёти бор. Умумжаҳон халқлари адабиёти тарихи ҳам бор.

Марказий Осиёда дастлаб адабиёт тарихи тазкиралар тарзида юзага келган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарларида адиллар тўғрисида биографик ва библиографик маълумотлар, асарларидан айrim намуналар келтирилади.

Адабиёт тарихи факат буюк сиймоларнигина Ўрганиб қолмасдан, адабий жараёнда иштирок этган барча ижодкорлар меросини ҳам Ўрганади. Чунки буюк чўқиқларнинг пайдо бўлишида буюклиқ даражасига қўтирилмасдан қолган ижодкорларнинг ҳам роли бекиёсдир.

Адабий оқимлар, мактаблар, адабий ташкилотлар ҳам адабиёт тарихининг предметидир.

Адабиёт тарихи (история литературы<sup>1</sup>) атамаси 1659 йилда Францияда пайдо бўлди. XIX асрда адабиёт тарихи фалсафа, риторика, публицистика, историография ва адабий танқид тушунчаларини қамраб олган.

Адабиёт тарихига қуидагилар киради: конкрет адабий асар, ёзувчи ижоди, оқим, адабий босқич, адабий муассасалар, миллий адабиёт.

**2. А д а б и ё т н а з а р и я с и** - бадий адабиёттинг қонун-қоидалари, хаётни бадий акс эттириш ҳамда адабиёт тараққиётининг қонуниятлари тЎғрисидаги фандир. Адабиёт назарияси бадий адабиёттинг жамият тараққиётида Ўйнаган роли, тур ва жанрлари, бадий тасвир воситаларини Ўргатади. Бу фан бадий адабиёттинг хусусиятларини, ижтимоий табиати, вазифаси, борлиққа муносабати масалалари хусусида маълумот беради. Ижодий методлар, услублар, анъана ва маҳорат масалалари, Шакл ва мундарижа, романтизм, реализм масалалари адабиёт назарияси фанининг дикқат марказида туради. Адабиёт назарияси бадий адабиёттинг тараққиёти қонуниятларини, жанрларнинг хусусиятлари, бадий тил, услуб, шеър тузилиши, сюжет ва композиция масалалари, типиклаштириш кабилар билан боғлиқ ҳолда Ўрганади. Бу жиҳатдан адабиёт назарияси умуман санъат қонуниятларини Ўз ичига олган эстетика фанига яқин туради.

Адабиёт назарияси бадий асарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш меъёрларини белгилаб беради. Адабиёт назарияси омманинг бадий адабиётни тушуниши ва шу йЎл билан кишилар дидини Ўстиришга хизмат қилади.

Хўш, шундай экан, адабиёт назарияси материални қаердан олади?

Адабиёт назараяси Ўз хулосаларини чиқарап экан, аввало:

- конкрет бадий асарларга, адабий жараёнга, адабиёт тарихи материали ва ана шу бадий адабиёттинг тараққиёт жараёнига суюнади;

- Ўтмиш ва ҳозирнинг бадий асарлар, ёзувчилар ва адабиёт тЎғрисидаги фикрларига суюнади;

- инсоният бадий дахосининг энг нодир намуналарига суюнади, энг мукаммал тараққий этган адабиётларнинг тажрибасига асосланади. Бу билан бирга адабиёт назарияси бадий адабиёттинг барча намуналари, барча ҳалқлар адабиётлари ютуқлари тажрибасини ҳам умумлаштириб, Ўз қоидаларини бойитади.

Адабиёт тарихи адабиёттинг тараққиёт йЎлларини Ўрганса, адабиёт назарияси адабиёттинг тараққиёт қонуниятларини Ўрганади. Адабиёт тарихи Алишер Навоий қаочон яШаган, деган саволга жавоб берса, адабиёт назарияси Навоий нима учун XУ асрда яШаганлигига жавоб беради. Адабиёт назарияси адабий асарнинг хусусиятини, ички тузилишини Ўрганади. Ички мазмунни адабиёт тарихи Ўрганади. Адабиёт назарияси соатсоз соатни қандай қилиб бузиб, тузатса, назария ҳам бадий асарни ЎШандай текширади. Фитратникидан мукаммалроқ «Адабиёт назарияси» дарслигини 1940 йилда И.Султон ёзган. Ўзбекистонда адабиёт назарияси фан сифатида 1925-1926 йилларда пайдо бўлди. У жаҳон мутафаккирларининг адабиёт назарияси ҳақидаги билимларидан пайдо бўлди. Жумладан, Арасту «Поэтика» асарини ёзди. Унда трагедия нима, лирика нима, деган саолларга жавоб берди. Гегеллп «Эстетика» (4 томлик) асарини, XIX асрда В.Белинский «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» ҳақида ёзди. Бунда у адабиётни тур ва жанрларга ажратади.

Шарқ адабиётида назарий фикрлар асосан X асрлардан бошлаб ёзилган. Форобий «Шеър санъати», Беруний «Осор ул-бокия» ва «Ҳиндистон» асарларида адабиёт ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Масалан, ҳиндларнинг шеър тузилиши ҳақида маълумот берилади. Алишер Навоий «Мезон ул-авzon», Бобур «Мұхтасар» каби асарларида адабиёт назариясининг баъзи бир масалалари (аруз, шеършунослик) ёритилади. XX асргача, яъни Гегелгача адабиёт назариясини Ўз ичига олган асар ёзилмаган эди.

**3. А д а б и й т а н қ и д** - шу кунги адабий жараённи таҳлил қилади, пайдо бўлаётган бадий асарларни Ўрганиб, уларнинг адабий жараёндаги Ўрни ва ролини, гоявий-эстетик қимматини белгилайди, китобхонларнинг ана шу асарларини тушуниш ва баҳолашига ёрдам беради, шу билан бадий адабиёт тараққиётига, ёзувчиларнинг гоявий-

бадиий такомилига кўмаклашади. Адабий танқид ёзувчининг Ўзи тушуниб етмаган томонларни кашф этади.

Китобхоннинг савияси миллат ва жамиятнинг ақлий ва маънавий даражаси, адабиёт илми, адабий танқиднинг ривожланганлик даража-сига боғлиқ. Адабиётшунос С.Мели таъкидлаганидек, мунаққид қанчалик билимдон ва мулоҳазали бўлса, бадиий жиҳатдан бўш асар ҳақида Ўз савияси даражасида фикр айта олмайди. Буюк ижодгина забардаст, улкан танқидчиликни вужудга келтиради ва адабиётни ҳурмат қилган танқидчи бўш асар ҳақида ижобий фикр айтишдан Ўзини сақлайди. Бўш асар адабиётни абор, танқидчини хор қиласди.

«Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 19 ноябрдаги 48-сонида қўйконлик Ахлулло Ҳайбулло Ўғлининг «Танқид» сарлавҳали мақоласи босилади. Шунда «танқид» атамаси биринчи маротаба ишлатилган ва унга қуидагича таъриф берилган: «Танқид демак, бир мусаннифнинг ёзуб майдони интишора қўйғон китобинда келушмафон ибораларни матбуот воситаси илиа ёзуб кўрсатмоқ демакдур».

«Садои Туркистон»нинг 1914 йилги 49-сонида Ашурали Зоҳирий: «Ёзувчи Ўз нуқсинининг қайда эконини билиб, тақмилламоқға ҳаракат қилур, яна ёзар, яхши тузолуб, шундоғ зотлар ичидан бармоқ била туртуб кўрсатурға арзийдурғон адиблар чиқодур», - дейди.

«Садои Туркистон»нинг 1915 йил 1 апрелдаги 65-сонида бухоролик Зуҳуриддин Фатҳиддинзоданинг «Танқид ва таассуф» мақоласи эълон қилинди. Муҳаммад Салимбек Раҳимбек Ўғли қори Раҳматулло Возехнинг «Тухфат ул-аҳбоб» тазкирасини нашр эттиради. З.Фатҳиддинзода юқоридаги мақоласида ана шу нашрда йўл қўйилган текстологик хатоларни кўрсатиб ўтади.

Демак, адабий танқиднинг вазифаси янги пайдо бўлган ва мавжуд асарларнинг гўзаллиги ҳамда камчиликларини топишдан иборатdir. Бу ишни олдин яратилган асарларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ўтмиш асарларининг янги қиррасини очиш ҳам танқиддир.

Адабий танқид адабиётимизда янги пайдо бўлаётган адабий асарларни Ўрганади. Ҳали татиб кўрилмаган, теша тегмаган асарларни Ўрганади, унинг қимматини белгилайди, яъни баҳолайди. Биринчидан, адабий асарни баҳолаб, унинг илмий қимматини белгилайди. Иккинчидан, адабий танқид китобхонга асарни тушунтиради. Шунинг иккаласи адабий танқиднинг вазифасидир. Бир асар ҳақида бир неча танқидчи ёзади. Асарнинг қимматини танқидчининг асосий фикри аниқлаб беради.

Адабий танқид дегани бу асарни таҳлил қилиш демакдир. Ҳар қандай асарнинг ҳам камчиликлари бўлади. Сервантеснинг 1605-1606 йилларда ёзган «Дон Кихот» асарини XIX асрда В.Белинский очиб беради. Адабий танқид адабий асарларни баҳолаб, шу баҳо ва фикрларни адабиёт тарихига узатади. Айрим ҳолларда адабий танқид Ўз даврида тЎғри баҳо берилмаган Ўтмишдаги асарларга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Танқидчи - ёзувчи, назариётчи олим. Агар танқидчи назариётчи бўлмаса, асар ҳақида Ўз фикрларини аниқ айта олмайди. Танқидчи асарга тақриз, мақола ёзади. Танқидчи ёзувчи сингари ишонтира оладиган, чиройли ёза оладиган бўлиши керак.

Адабиётшунослардан О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, С.Мамажонов, Р.Қўчкор ва бошқалар адабий танқидчилар сифатида фаолият кўрсатишиади.

Танқидчи икки хил бўлади:

- 1.Профессионал танқидчи.
- 2.Ёзувчи танқидчи.

Профессионал танқидчи бу адабиётшунос танқидчи. Улар адабий асар ёзмайдилар, лекин ёзувчини чуқурроқ таҳлил қиласи. Ёзувчилар танқиди бўш бўлади. Профессионал танқидчилар асар ёзиши Шарт эмас.

Таъкидланганлардан кўриниб турибдики, адабиётшуносликнинг вазифаси гўзаллик ва камчиликлари очилиб, баҳолангандарни Ўрганиш бўлса, танқид ҳали маълум бўлмаган гўзалликни очишdir. Гўзалликнинг ривожланишида, ҳаракат ва бойишида ўрганишdir. Шунинг учун В.Белинский танқидни «ҳаракатдаги эстетика» деб атайди. Адабиётшунослик адабий танқидга эргашади, унинг ютуқ ва камчиликларидан фойдаланади. Адабиёт тарихи танқид тугаган жойдан бошланади. Адабиётшунослик танқид томонидан очилган гўзаллик ва камчиликларни ҳар томонлама ёритади. Адабиёт тарихи билан танқид бир-бири билан боғлик бўлиб, бир-бирисиз мавжуд бўлмайди. Танқид ўз изланиш ва қашфиётларида адабиёт тарихига суюнади, адабиёт тарихи эса танқиддан Ўзига янги-янги материал, озуқа олади, гўзаллик тўғрисидаги янги тасаввурларни олади. Шу билан бирга, адабиёт тарихи адабий танқиднинг камчиликларини тузатиб, тўлдириб, адабий танқид қашф этган гўзалликни тасдиқлайди. Ҳар бир янги асарни мавжуд ўлчовлар билан ўлчаб бўлмайди. Асардан янгича гўзаллик излаш танқиднинг иши, асарга гўзаллик ҳакидаги мавжуд тушунчалар нуқтаи назаридан қараш - адабиёт тарихининг иши.

Хуллас, танқидчи бўлмоқ - гўзалликни ҳис қилмоқ, гўзаллик қашф эта олмоқ ва ана шу гўзалликни илмий асослай олмоқ ва унинг кураша бормоқdir.

Беҳбудий ҳазратлари таъкидлаганларидек, «Танқид сараламоқdur. Саррофлар ақчани, тужжорлар матони саралаганидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва мишатга тааллуқли нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила «танқид» аталур.

Юқоридаги таркибий қисмлардан ташқари, уларга яқин ва бевосита боғлик бўлган қўйидаги соҳалар ҳам мавжуд:

**Адабиётшунослик методологияси** - бадиий адабиётни ўрганишнинг тамойил ва усулларини тайин этади. Бадиий адабиётни илмий-назарий таҳлил қилиш, илмий Ўрганиш йўл ва усулларини ўргатади. Бу усул 2 иккига ажралади:

1. Адабиётни илмий ўрганиш методи.
2. Адабиётни ўргатиш методи.

Адабиётга санъат сифатида ёндашиб керак. Масалан, «Обид кетмон» асаридаги Обид. Адабий асарга Шакл билан мазмуннинг бирлиги деб қараш керак. «Зарбулмасал»да 400 та мисол ишлатилган.

Адабий асар ўша асар яратилган замон билан боғлик ҳолда ўрганилади. Ўтмишда яратилган асарлар хозирги замон билан боғлик ҳолда ўрганилмайди. Адабиётга синфий жиҳатдан ёндашиб тўғри эмас.

Методология фанни ўрганишда умумий қўлланма ролини ўйновчи назарий тамойиллардир. Бизнинг адабиётшунослик адабиёт ва санъатни ўрганишда қўйидаги илмий-методологик тамойилларга амал қиласи:

- санъаткор ижодининг қиммати унинг давримизга нисбатан нималар бера олганлиги билан эмас, Ўз замонасига нисбатан нималар бера олганлиги билан белгиланади;
- санъаткор ижодининг қиммати унинг қайси тоифага мансублигига қараб эмас, унинг ўз асарлари билан кимларнинг манфаатларига хизмат қилиши билан белгиланади.

Адабиёт методикаси эса бадиий асарларни ўрганиш ва ўргатишнинг конкрет метод ҳамда тамойилларини белгилаб беради.

Эндилиқда маданият ва санъатни бир-бирига қарши, иккига ажратмасдан ўрганиш керак, уни бир бутун деб қараш керак. Адабий жараённи ўрганишда

ўлчовимизга тўғри келмайдиган ҳодисаларни ҳисобдан четда қолдирмаслик керак. Иккинчидан, асарни баҳолашда халқчиллик асосий мезонлардан бўлиши, асарнинг баҳосини унинг жамиятга таъсири, халқ манфаатларига қай даражада мувофиқлигини ҳисобга олиш зарур. Учинчидан, бадиийлик устивор мезон бўлиб хизмат қилмоғи керак. Бунда Шакл билан мазмунни бир-биридан ажратиб қўймаслик керак. тўртинчидан, санъат ҳодисаларини ўрганишда давр, Шароитни ҳисобга олмоқ жуда муҳим. Тараққиёт, ҳаракат ва ривожланиш зиддиятдан иборатлигини эсдан чиқармаслик керак. Ижодда ақл билан хиссият узвийлигини назарда тутмоқ зарур. Бешинчидан, тасаввуф билан боғлиқ мажозий йЎналишни эсдан чиқармаслик керак.

Демак, методологияга кўра адабий асарга яхлит бадиий маҳсулот деб қаралади. Шакл билан мазмун ажратилмайди. Уни яхлит, бир бутун идрок қилиш керак. Ундаги ҳар бир элемент муҳим мазмун ва аҳамият касб этади. Ана шу унсур бошқа унсурлар билан бирликда яШайди. Бир бўлакда содир этилган Ўзгариш бутун асарнинг характеристига таъсир қиласди. Шунинг учун адабий асар бир-бирига боғлиқ нарсаларнинг ҳаддан ташқари нозик равишда бирикишидир. Уни таҳлил қилишда алоҳида қисмлар ажратиб олинади. Бироқ бундай деформация (емирилиш) минимум даражага келтирилиши керак.

**Ф о л ь к л о р ш у н о с л и к** - халқ донолигидир. Фольклор атамаси ҳам кенг, ҳам тор маънода ишлатилади. Кенг маънода фольклор оғзаки адабиётдан ташқари халқ оғзаки мусиқаси, тиббий фикрларни, урф-одатларни ҳам Ўз ичига олади. Тор маънода эса, оғзаки бадиий адабиёт маъносини беради.

Фольклоршунослик - халқ оғзаки бадиий ижодини Ўрганувчи фандир. Фольклор - халқ достонлари, қўшиқ, мақол, драма, эртак ва ҳоказоларни билдиради.

Фольклор билан ёзма адабиёт Ўртасида бирлик бор: фольклор ҳам, бадиий адабиёт ҳам сўз санъати бўлиб, ҳаётни акс эттиради.

Ёзма адабиёт фольклор материалидан фойдаланади, ундан озиқланади, айрим гоя ва Шаклларни олади. Лекин ёзув адабиёти билан фольклор Ўртасида ҳам катта фарқ бор, бу эса қуидагиларда кўринади:

1) фольклор бадиий ижоднинг бошланиш даври учун хосдир. Ёзма адабиёт маданият тарққиёти, ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, у ҳаётни акс эттириш учун фольклордан кўра мукаммалроқ тамойил ва усуллардан фойдаланади;

2) фольклор жамоа ижоди маҳсулидир, унинг муаллифи йЎқ;

3) фольклор асарлари муттасил қайта ишланиб, Ўзгариб туради.

Адабиётшунослик фольклор материали ва фольклористика хулосаларини ҳисобга олади. Хусусан, ёзма бадиий адабиётга фольклор асарлари таъсири масалаларини Ўрганишда адабиётшунослик фольклористика ва фольклор асарларига мурожаат қиласди.

**Қиёсий адабиётшунослик** - Ўнлаб йиллар давомида катағон қилинди. Бугунги кунда Ўзбек ва хориж адабиёти бор. Ўзбек адабиёти хорижий адабиётга етиб олиши учун унга Ўзини қиёслаб, ундан Ўрнак олиши зарур. Қиёсий адабиётшунослик турли миллий адабиётларни бир-бирига қиёслаб Ўранади. Умумий қонуниятларни очади. Адабиётшуносликни бошқалардан ажратиб Ўрганишга йЎл бермайди. Адабиётнинг миллати бўлмайди, миллий хусусияти бўлади.

Адабиётни қиёслаб Ўрганиш XIX асрда пайдо бўлди. Гул образи эрон адабиётида пайдо бўлди. Ҳинд адабиётида эса булбул образи йЎқ, балки какку образи бор.

Адабий таъсир адабиёт тараққиётига, унинг ривожига муҳим таъсир воситасидир. Адабий таъсир адабиёт тақдирига таъсир қилмайди.

Асос солгандар - олмон мутафаккири И.Г.Гердер, инглиз олими Дж.Денлон (Х1У). Дж.Бенфейнинг хинд эпоси «Панчантантра»нинг олмонча таржима нашрига сўзбошиси (1859) қиёсий адабиётшунослик-нинг асосий қоидаси бўлиб қолди. Россияда Ф.И.Буслаев, А.Веселовскийлар қиёсий адабиётшуносликнинг Шаклланишига катта ҳисса қўшдилар.

Қиёсий адабиётшунослик бир нечта ҳалқ ва мамлакат адабиётини бир-бирига солиштириб Ўрганади. Турли миллий адабиётларни бир-бирига солиштириш йўли билан улардан ҳар бирининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган хиссасини аниқланади.

Адабиётларни қиёсий Ўрганиш натижасида айрим асарларгина эмас, адабиётнинг босқичлари, адабиётлар Ўртасидаги ЎхШашликлар, умунийликлар аниқланади. Айрим ҳолларда бундай ЎхШашликлар бир-биридан бутунлай бехабар адабиётлар Ўртасида ҳам учраши мумкин. Бундай ЎхШашлик типологик алоқадорлик дейилади. Бир-биридан Ўрганиб, Ўзаро таъсир натижасида пайдо бўлган ўхшашлика контакт алоқа дейилади. Ҳар қандай адабиёт бошқаларнинг таъсирисиз, Ўз қобигида ривожлана олмайди. Бирор адабиётни ана шундай мутлақ мустақил қилиб кўрсатиши бу маҳаллийчилик бўлиб, хақиқатга тўғри келмайди. Бироқ Ўзаро таъсир ва яқинлик у ёки бу ҳалқ адабиётининг миллий хусусиятларини йўққа чиқармайди. Аммо адабий таъсирни ҳал қилувчи деб таърифлаш ҳам тўғри эмас. Адабий таъсир йўқни бор қилмайди, балки миллий адабиёт тараққиётини тезлаштиради. Шу билан бирга, бир адабиётни тўлақонли ва ҳаммага таъсир қиласидан, бошқа адабиёт эса тақлиди деб қараш тўғри эмас.

**Таржимашунослик** - бадиий адабиётлар Ўртасида муҳим аҳамиятга эгадир. Таржима бу адабиётлар Ўртасидаги элчи, тилмоч. Таржима туфайли ёзувчилар бошқа адабиётларни ўрганади. Таржима адабиётларни бойитади. Таржимон таржимани таҳлил қиласиди, таржимада ҳар қандай иборалар ҳам таржима қилинмайди. Бунинг Ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари бор.

Таржима бу санъатdir, бу ижодdir. Бу асарни Ўгириш эмас, балки бошқатдан яратишидир.

Таркибий қисм ва бошқа соҳалардан ташқари, адабиёт ҳақидаги фаннинг ёрдамчи соҳалари ҳам мавжуд:

**Матншунослик** - бадиий асарларнинг варианtlари, нусхалари ва турли кўлёзмаларини солиштириш асосида оригиналга яқин бўлган матнни тиклади, хатоликларни бартараф қиласиди, кейин киритилган Ўринларни топиб, оригинални улардан тозалайди ва тушиб қолган Ўринларни тўлдиради. Масалан, «Махабхорат»нинг матни 1919-1967 йиллар давомида олиб борилган текстологик тадқиқот натижасида тикланган. Бу ишни машҳур хинд олими Р.Г.Бхандаркар бошқарган. Бунинг учун 1250 та кўлёзма Ўрганиб чиқилган. Шулардан 734 таси танлаб, асос қилиб олинган. Катта ҳажмда 13 минг бетдан иборат танқидий матн нашр этилган. Танқидий матн 100 минг шлок (1 шлок 2 мисра), яъни 200 минг мисрага яқин.

**Манбашунослик** - адабиёт тарихи, назарияси, адабий танқид, айрим ёзувчилар, адабиётшуносликнинг маълум муаммоларига оид илмий, танқидий манбаларни тўплашдир. Манбашунослик бу манбаларни топиш, қидириш, рўйхатларини тузиш, системалашдан иборат. Илмий иш қилишдан олдин ҳам манбалар тўпланади. Бунда айрим масалаларнинг тарихи, фаннинг тарихи, жумладан, адабиётшунослик тарихи Ўрганилади.

**Атрибуция** - муаллифи номаълум манбаларнинг муаллифини аниқлашдир. Масалан, Хомер масаласи, Шекспир масаласи, Лутфийнинг «Гул ва НаврЎз» асари, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони ва бошқалар.

«Юсуф ва Зулайҳо» достони анъана бўйича Дурбекники деб келинади. Француз олими Э.Блоше достон Навоийники дейди. Д.Воронский достонни Улуғбекка нисбат беради. Афғон олими Жузжоний Ҳомидий Балҳийга нисбат беради. 1979 йилда М.Диёрий достонни Ёдгорбек Жаҳонмулк Ўғлиниги дейди. Ж.Лапасов ХУ аср шоири «Созлар мунозараси» асарининг муаллифи Аҳмадий бўлса керак, - дейди.

Ёки «Гул ва Наврӯз» достони Лутфийга нисбат берилган. Лекин тадқиқотлар достон Ҳайдар Хоразмий қаламига мансублигини тўла тасдиқлади.

**Библиография** (библио-сўз, графо-ёзув) - бадиий адабиёт ва адабиётшуносликка оид адабиётлар рўйхатини тузиш, уларга аннотация, обзор ёзиш. Илмий Ўрганиш лозим бўлган манбалар кўрсаткичи. Янги чиқсан адабиётлар, бадиий асарлар, мақола ва материалларни ҳисобга олиб боради.

Библиографик тўпламлар, библиографик кўрсаткичлар, китоб йилномалари, журнал материаллари йилномалари, газета материаллари, кутубхоналардаги каталоглар (каталог - юононча «қайд этиш»), алфавит каталог, систематик каталог.

Библиография - китобларнинг ёзилган, кўчирилган, босиб чиқарилган вақти, жойи, баъзан мазмуни, муаллифга оид тўпламларни маълумотларини тўплайди, уларга аннотация ёzáди.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Адабиётшуносликнинг предмети.
2. Адабиёт атамаси.
3. Таркибий қисмлари.
4. Ёрдамчи соҳалари.
5. Адабиёт тарихи.
6. Адабиёт назарияси.
7. Адабий танқид.
8. Адабиёт методологияси.
9. Фольклор-шунослик.
10. Қиёсий адабиётшунослик.
11. Матншунослик.
12. Манба-шунослик.
13. Библиография.
14. Атрибуция.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Т.Бобоев. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 1979.
2. Н.Шукров ва б. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 1984.
3. Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 1995.

## 2-МАЪРУЗА: БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ СПЕЦИФИК ХУСУСИЯТИ

### Режа:

1. Адабиётнинг спецификаси адабиёт назариясининг мудим масаласай эканлиги.
2. Бадиийлик адабиётнинг специфик хусусияти эканлиги
3. Образлилик адабиётнинг етакчи спецификасидир.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ҳ.Абдураҳмонов. Узбек сатираси
2. Т.Бобоев. Адабиётшуносликка кириш курсидан уцув методик қўлланма
3. Адабиёт назарияси 1 том
4. И.Султон. Адабиёт назарияси,
5. Адабиётшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати.

### Таянч иборалар

1. Специфика
2. Образлилик
3. Оммабоплик
4. Бадиийлик

Адабиётнинг спецификаси адабиётшунослик ва адабиёт назариясининг энг мухим мураккаб масаласидир. У адабиётшунослик ва адабиёт назариясига оид турли асарларда турлича ёритилади. Баъзиларда қиралари кенг, баъзилари эса жуда тор

маънода талқин этилади. Аммо бу асарларнинг даммасида адабиётнинг спецификасига дойр масалалар доираси тилга олинади.

Адабиётнинг спецификаси муносабати билан тилга олинадиган хусусиятларнинг энг биринчиси - инсоншуносликдир. Хар бир бадий асарни ужкандан кейин зех.нимизда асарда тасвир этилган кишиларнинг образи қолади. А.Навоий достонларини ўқиб Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Бахром образларини эслаб, қоламиз. Рофир, Жамила, Онегин, Отабек, Кумуш, Раъно, Анвар, Йулчи, Гамлет, Лир, Яго, Отеллоларга ухшаш куц кишиларнинг тасвири бизнинг онгимизда бадий адабиёт укишнинг дастлабки ва энг натижаси булиб сакланади.

Ёзувчи хар бир давр ва конкрет тарихий шароитнинг махсулоти булган инсонни текширади, унинг рухий холатларига киради. ички дунёси хакида бизга аник ва равшан тасаввур беради. Бу вазифани бадий адабиёт образ яратиш йули билан бажаради. Образ - инсоннинг озми купми батафсил тасвири булиб, у хаётдаги одамнинг жун нусхаси эмас, балки ёзувчининг маълум даврда ва шароитда яшовчи инсон хакидаги тасаввурининг ифодасидир. Бадий адабиётда тасвир этилган инсон образи умумлаштирувчи кучга эга. Унда маълум давр ва мухит кишисининг энг мухим ва характерли хусусиятлари мужассамлашган. Шу сабабли образлилик бадий адабиетнинг энг мухим хусусиятларидан биридир.

Ёзувчи бадий адабиёт инсон образини ва хаёт манзарасини энг мухим характеристи хусусиятларини тасвирлаб бериш учун тукимага мурожаат килади, Бадий адабиетнинг мазмуни хаётдаги ходисаларнинг жун нусхаси эмас, балки хаётий ходисаларга суюниб, уларни социал ва эстетик идеал нуктаи назаридан баҳолаб туриб, санъаткорнинг фантазияси воситаси билан янгидан яратилган, тукиб чикарилган хаёт манзарасидир. Хар бир янги асар ёзувчи хаёлида хаётний тасаввурлардан пайдо булади.

Бадий тукима ёзувчига хаётни тасодифий нарсалардан тозалаб, унинг мохияти хакида энг тугри тасаввур беришга кумаклашади. Хаётний материалларни бундай тозалаш, хаётний ходисаларни, тасодифларни эмас, конуниятларни бадий тасвирлашга интилиш, типиклаштириш дейилади. Хаётнинг типиклашган тасвири хаёт хакида энг чукур энг тугри тасаввур беради.

Нихоят, бадий адабиетнинг яна бир специфик хусусияти - унда сузнинг алохида ахамиятга эгалигидир. Даёт хакидаги тасаввурларни рассом буёк ва чизиклар, композитор товушларнинг узун-кискалиги, паст-баландлиги, раккоса характеристлар оркали ифода этилгани сабабли суз бадий адабиетнинг асосий материали хисобланади. Шундай килиб инсон шунослик, образлилик, тукиманинг мухимлиги, тасвирнинг типиклашганлиги ва сузнинг алохида роли бадий адабиёт спецификасининг жуда мухим маълумотларидир. Лекин бу шароитларни хисобга олиш билан адабиетнинг спецификасини тушуниш вазифаси тула адо этилган булмайди. Негаки, уларнинг хаммаси адабиетнинг шаклига, яъни хаётний инъикос этишнинг усулларига оидdir, вахоланки адабиетнинг спецификаси фактат хаётни инъикос эттиришнинг шакллари проблемаси эмас, Белинский адабиетнинг хусусиятларини гапирганда ундаги бадийлик билан бирга яна 2 жихатни кайд этгани сира тасодифий эмас. буларнинг бири оммавийлик, яъни жамиятнинг фикрини бир марказга туплаш ва яна жамиятга кайтариб бериш: иккинчи адабиёт асарларни бутун хадк томонидан эмас, балки шу халк рухини ифода этишга кодир конкрет шахслар томонидан яратилишидир. Буюк назариячи адабиетнинг учинчи хусусияти-бадийлик экани хакида гапиради.

Адабиёт спецификасини тугри ва тула тушуниш учун Белинскийнинг ана шу таърифига кайтиш керак, чунки унда адабиёт спецификаси уч томонлама очиб берилади: адабиёт уз вазифалари мазмуни шакли жихатидан специфик хусусиятларга эгадир. Бу специфик хусусиятларнинг жами адабиетнинг жамият хаётидаги ролини

таъмин этади. Адабиёт спецификасими ана шу уч томондан куздан кечириш оркалигина бадий суз санъатининг спецификаси хакида тула ва тугри тасаввур хосил килиш мумкин. аввалдан шуни кайд этиш керакки биз Белинскийнинг "адабиетнинг спецификаси - бадийликдир", - деган фикрига суюнамиз. Купинча адабиётшунослар "адабиетнинг спецификаси образлиликдир", деб хисоблайдилар. Бу тор талкиндин, чунки образлилик умумий инсон тафаккурининг хусусиятидир. Бадийлик образлиликдан кенгрокдир.

Бадийлик - санъатнинг хамма турларини шу жумладан адабиетнинг энг муҳим специфик хусусиятидир. Бадийлик тушунчасига образлилик киради, лекин бадийлик факатгина образлиикдан иборат эмас. Адабиётни бадий килган нарса факт образлилик булмай, балки унинг вазифалари мазмунни ва шаклига таалукли купгина хусусиятлардир.

## II. БАДИЙ ОБРАЗ

Бадий адабиёт ижтимоий онг шакларидан бири булиб, унинг бошка турларидан фарки шундаки, адабиёт хаётни образлар воситасида акс эттиради. Образлилик адабиетнинг санъат сифатидаги хусусиятидир. Образлилик - жонли манзаралар ёрдамида хаётни таъсирли қилиб тасвирлашдир. Адабиёт хаётни робразли қилиб тасвирлаш учун образлардан фойдаланади. Адабиётни адабиёт киладиган образ. Образ - хаётни бадий ифодалаш воситаси. Образда борликнинг бутун хусусиятлари етакчи томонлари ёркин тасвирланган. Образ хаёт хакида тугри маълумот беради. Образ булиши учун қуйидаги шартлар бор.

### 1. Жирлилик.

Жонли қилиб тасвирланган нарса таъсирли булсагина, образли булади.

2. Жонли қилиб тасвирланган нарсага ёзувчининг орзу-армонлари кушилсагина янада таъсирли булади.

3. Нарса ва ходисалар маълум бир максад билан тасвирланиши керак.

Бадий образ эса хаётдаги воеалар, одамларнинг нусхаси эмас, балки умумлаштирган куриниши хисобланади.

Образ - жонли таъсирли қилиб тасвирланган умумлаштирилган булиши керак. Шунинг учун хам хеч кандай образни хаётга солиштириб булмайди. Образ хаётдаги нусхалардан мукаммалрок булади. "Образ" атамаси 2 маънода тушунилади. Тор маънода асардаги образларни тушуниш мумкин. Кенг маънода юкорида баён этилган 3 та шартга биноан тасвирланган нарсаларни тушунамиз. Масалан, Ч.Айтматовнинг "Биринчи муаллим" асарида одамлар Душанни куришади Душан бир курага кириб, куранинг уртасидаги теракни чопа бошлайди. Одамлар бир зум тухташади. Асардаги терак образ қилиб олинган. Терак - эски замон тимсоли. Шу маънода образни қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Инсон образи.

2. Нарса ва предметлар образи.

3. Хабиат образи.

4. Суз образи ёки образли сузлар

Образли сузларга мисол: Бу гапни эшишиб кампирнинг тарвузи култигадан тушиб кетди. Образ турлари ичиди инсон образи етакчи урин тутади. Колган 4 тури ёзувчига инсон образини туларок акс эттиришга ёрдам беради. Чунки адабиёт - инсоншунослик. Лекин адабий асарда инсон тасвирланмаган жойлар дам бор. У долда образнинг боища турлари тасвирланиши мумкин. Инсон тасвирланмаган асарларда инсонлик нуктаи назари булади. Масалан, Ойбекнинг "Наъматак" шеърида наъматак образи орцали узининг орзу-армонларини тасвирлаган инсон образи бор. Нарса ва хрдисалар 2 хил тасвирланиши мумкин. Масалан Ч.Айтматовнинг "Алвидо Гулсара"

асарида Танабой оти улаётса - у билан ёнма-ён ўтириб, у билан утган даётини эслайди. Ёки масалдарда дам инсон образи бор. Образда кўплаб додисаларнинг етакчи хусусияти умумлаштирилади, "Қутлуг кон" даги Йулчи образида миллионлаб батарак дедконларнинг тавдири мужассамлашган. Йулчи умумлашмалик билан бир каторда бетакрор, деч кимга ухшамайдиган образ. Шунинг учун бу образ адабиётда бебадо дисобланади. Биргина одам дам образ учун асос булиши мумкин. Бундай образга намуна булг'ан инсонларни прототип дейилади. Прототипга дам тасвирда бир нарсалар ёпиширилади

Образнинг ижодий методга кура тури

1. Мифологик образ. Булар илодийлаштирилган образлар булиб, энг кадимги асарларда учрайди. Бундай инсонлар гайриинсоний кудратга эга булади. "Авесто" ва "Шохн" даги дев, ахраманлар ...

2. Романтик образ. Булар идеаллаштирилган образлар булиб, яхшилик билан ёмонлик мужассамлангизн булади. Масалан, Фарход ва Шириндаги Мехинбону, Лермонтовнинг "Демон" поэмасидаги Демон ва х.к.

3. Романтик образ. Реал даётдаги одамлар синф, гурӯҳдарнинг хусусиятини узида жамланган булади. Масалан, "қутлуг кон" даги Мирзакаримбой ва Йулчи.

4. Хаёлий фантастик образлар. (Тарихда халк. томонидан тукилган образлар). Гуругли, Алпомиш Хаёлий фантастик образларга Беляевнинг "Одам амфибия" асаридаги Ихтиандр образи.

5. Афсонавий образлар. Тарихий заминда хал<sup>^</sup> томонидан тукилган образлар: Гуругли, Алпомиш.

6. Рамзий образлар. РТуломнинг

Тонг якин, тонг якин оппок тонг якин дейиш билан яхши кунлар келишига ишора киляпти.

7. Хажвий-сатирик образлар. Масалан, С.Адмаднинг "Уфи" трилогиясидаги Иноят оксокол.

8. Муболагали образлар. булар бурттирилган булади.

Масалан: А.Кодирийнинг Калвак Махсум образи, Алпомиш образи. Алпомишга 90 та молнинг терисидан ковуш тикилган.

9. Гротескли образлар аклга сигмайдиган даражада тасвирланади.

**МАСАЛАН:** Гуливер образи. У лилипутларни чунтагига солиб қўяди.

10. Мажозий (аллегорик) образлар - тушунчалар, хайвонлар предметлар инсон урнида келиб, инсонни тасвирдайди. Буйдай образлар масалларда булади. Масалан, Юсуф Хос Хожибининг "Кутадгу билик" асарида Узгурмиш сабр-каноат тимсоли, Ойтуди - мол-мулқ, давлат. тимсоли. Хамзанинг Жаҳон сармоясининг охирги куни", А.Иброҳимнинг "Чакана савдо" асарларида шундай образлар бор. Адабиётнинг образ яратиш куроли - сўз, тил. Тил образ яратишда бекиёс имкониятларга эга, суз воситасида дар цандай долатни ифода этиш мумкин. Бадиий тил-образли тил. Шунинг билан у адабий тилдан фарқ. килади. Образ яратишда ёзувчи тилдаги тайёр образ яратиш ресурсларидан фойдаланади.

— 1. Мақол ва маталлардан

2. Фразеологик иборалардан

3. Омоним, синоним, антонимлардан

4. Архаизмлардан

5. Диалектилизмлардан

6. Варваризмлардан

7. Жаргонизмлардан

8. Булгариизмлардан

## **9. Неологизмлардан**

Адабиётнинг умуман айтганда специфик хусусиятига кўйидагиларни кушимча килиш мумкин. Унинг имконияти кенглиги, оммабоплиги, замонавийлиги ва дозиржавоблигидан иборатdir.

Шундай қилиб, адабиётнинг юкоридаги специфик хусусияти унинг асосий хусусиятини белгиловчи омиллардир.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Специфик деганда нимани тушунасиз?
2. Адабиётнинг специфик хусусияти нима?
3. Бадиийлик адабиётнинг специфик хусусияти деганини к.андай тушунасиз?
4. Образлийк нима?
5. Кенг маънода образлийкни цандай Тушунасиз?
6. Оммабоплик нима?
7. Адабиёт оммабоп булиши ш'артми?
8. Адабиётни имконияти кенглигини кандай тушунасиз?.
9. Адабиёт суз санъати деганда нимани тушунасиз?
10. Адабиётнинг цандай специфик хусусияти бор?

## **3-МАРГУЗА: БАДИЙ АДАБИЁТДА МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК**

### **Режа:**

1. Адабиётда миллийлик тушунчаси.
2. Миллийликни ифодаловчи воситалар.
3. Умуминсонийлик х.акида маълумот
4. Умуминсонийлик миллийликка нисбатан кенг тушунча эканлиги

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1978, 1979 йиллар
2. И.Султон Адабиёт назарияси. Т. 1980 йил
3. М.Кушжонов Абдулла Каҳхор маҳорати. Тошкент 1989 йил

### **Таянч иборалар**

1. Миллийлик.
2. Умуминсонийлик
3. Асар тили.
4. Миллий характер

Бадиий адабиётнинг миллийлиги қўйидагиларда акс этади:

1. Асар тили ва тасвир воситаларида.
2. Асарда акс эттирилган миллий тафаккурда
3. Бадиий асарларда акс этган жуғрофий мухит, табиий шароит билан бogaик. хусусиятларда.
4. Бадиий асарда акс этган социал иктисадий шароит, ҳалкнинг хужалик машгулоти ва у билан боялик хусусиятларда.
5. Бадиий асарда-акс этган ҳалкнинг турмуши, урф одатлари, куникмалари ва шулар таъсирида шаклланган хусусиятларда.
6. Асарда акс этган ҳалк. хаётининг муаммоларида.
7. Миллий характер ва психологияда

Хар бир ёзувчи маълум давр маълум касб вакили бўлишдан ташқари, маълум миллат вакили хамдир. У муайян жуғрофия, социал иктисадий хайда миллий мухитда яшаб ижод килади. Унинг тасаввурлари, куникмалари, характерида ана шу шароит ўз

аксини топади. Мана шу хусусиятлар езувчининг асарларига хам ижодига хам миллий узига хослик бағишлийди. Мана шу факторлар адабиётнинг миллий хусусиятларни келтириб, чицаради.

Бадий асарларда халкнинг бутун адабиётида уша халк яшайдиган табиий шаирот ва жуғрофий мухит акс этади ўша халк яшайдиган жойнинг усимликлари, хайвонот дунёси ва бошқа баъзи хусусиятлари ўз аксини топади. Пахта каби оппок. дейиш факат пахта усадиган улкалар учунгина хос бўлса. Шодландиларда юзнинг оқлиги пахтага қиёслаб таърифланган.

Бизда ой юзли демак мартов саналса, гўзаллик белгиси бўлса: Европада аёл юзийи ойга ўхшатиш гўзаллик белгиси бўла олмайди.

Уларда чузикрок юз яъни бизда от юзли деган маънодаги юз гузаллик бўлиб, гузаллик меъёрий Афродита билан қиёслашда аникланган.

Адабиётнинг миллий хусусияти жуғрофий шароит усимликлар ва хайвонлар дунёси халшганг машгулоти турмуш шароитлари билан boglik булади.

Кузда план тулганда

Тўй қўшилар туйингга.

Бундай мотив ва унинг асосида тугилган поэзия факат узбеклардагина булиши мумкин холос.

Шу билан биргаликда бадий адабиётда халкнинг дарду хасрати орзу армонлари кураш ва интилишлари хам ўз ифодасини топади. Масалан: "Эрк" киссасидаги инсон эрки хотин-кизларнинг эрки масалалари узбек халки хаёти учун мухимдир. Бирок бу масалалар руслар ва боища Европа халқдари учун унчалик мухим бўлмаслиги мумкин. Шу боиским бизда жиддий қизиқиши ва шов-шувларга сабаб бўлган ушбу хисса рус китобхони учун қизиқарли бўлмаслиги турган гап.

Адабиётда халкнинг турмуш тарзи урф-одатлари хам акс этади. Масалан "Утган кунлар" романидаги Кумушнинг туйи.

Кахрамонлар такдири хам урф-одатлар билан boglik булади. Ана шу урф одатлар ва маросимлар халкнинг хаёти меҳнати ва кураши жараёнида кечади. Кахрамон хам ана шуларга boglik булади ана шу одат ва куникмаларга маълум даражада риоя килади. Персонажлар характерида хам халкнинг турмуш тарзи урф одатлари куникмалари акс этади.

М.Шолоховнинг "Очилиган курик" романида бош сахифалардаёк Шчукарь бува Питердан келган Давидовни илғифотсизлик билан кутиб олади" Мехмон тишлари колмабдику узларининг" - дейди чол унга. Бундай бетгачопарлик ва очиккунгиллик факатгина руслар миллий характери учун хосдир.

Ёзувчи атайлаб миллий деталларни кидириб юрмайди. Улар асарда тасвиrlанаётган хаёт материали билан биргаликда ёзувчи тафаккури оркали асарга уз-узига кириб келади. Миллийлик, деб ёзган эди В.Г.Белинский, "Ёзувчининг хизмати эмас балки ижоднинг шоир томонидан унча зўр беришни талаб килмайдиган зарурий шартидир. Шунинг учун хам асар бадий жихатдан канчалик юксак булса у шунчалар миллийдир, хам ва улуғ санъаткорни миллийлиги учун макташ улуг астрономии уз хисоб китобларидаги карра жадвалида адаумаганлиги учун макташдай гап.... Миллийлик шоирни улуг килмайди балки буюк талант шоирни миллий килади.... агарда асар бадий булса. у ўз-ўзидан миллий булади" (В.Г.Белинский Поли сбор. соч. т. V с.317) Н.В.Гоголь хам миллийлик тугрисида гапириб, "Миллийлик сарафани (аёллар кийими) -п.р. (тасвиrlашда эмас)" -дейди. Шундай экан миллийлик халкнинг руҳий оламини чукур тасвиrlашдадир. Халк руҳини, психологиясини, миллий характерини очиш миллийликнинг мухим хусусиятидир. Бирок, миллий характер котиб долган нарса эмас. У шароит узгариши билан узгариб ривожланиб,

такомиллашиб боради. Шунинг учун бир даврини тасвирловчи асар қаҳрамонлари характери миллий хусусиятлари учун ҳам тула мувофик келмаслиги мумкин.

Шу билан биргаликда бир давр санъаткори асаридағи миллий характерлар бошка давр санъаткори асарида тасвирланган миллий характер билан бир хил булмаслиги хам табиийдир.

Характерда факат миллий хусусиятларгина эмас, шу билан бирга социал-синфи, индивидуал хусусиятлар хам акс этади. Йулчи билан тогаси Мирзакаримбайдаги кариндош-уруглик, меҳмондустлик хусусиятлар характерларнинг миллийлигини белгиласада, худди шу миллий характер хусусиятларида синфий қирралар аник намоён булади.

Олдинлари адабиётнинг миллийлиги фанат тилдагина. намоён бўлади деб хисобланарди. Шундай тушунадиган булсак, таржима адабиётнинг миллий хусусияти бутунлай йуколиб кетади. Вахрланки, миллийлик факат тилдагина намоён булмасдан, асарнинг бутун курилишида, руҳида намоён булади. Таржимада тилнинг ташки К.ОбНҒН йуколгани билан тилнинг образли каштаси йуколмайди., демак таржимада миллийчиликни бошка купгина хусусиятлари колади. Шунинг учун хам рус тилида ижод кюшдиган узбек ёзувчилари асарлари хам узининг миллийлигини йукотмайди. Узбек ёзувчиси рус тилида ёзган вактда хам у ўзбекча фикрлаиди, унинг тафаккури ва карашлари нигоҳида ҳалк турмуши ва хаётнинг миллий деталлари. иштирок этади. Т.Пулатов айтадики мен гарчи рус тилида ёзсанда, ўзбекча фикрлайман миямда ўзбекча фикрлар русчага айланади ва русча либос ола бошлайди.

Миллийлик турли ҳалклар адабиётлар уртасида тусик эмас балки адабиётларнинг яшаш тарзидир. Умуминсоний муаммолар дар бир ҳалк адабиётида тақрорланмас узига хос миллий хусусиятларда намоён булади. Адабиёт ва санъатнинг миллийлиги умуминсоний мохиятга эгадир.

Умуминсонийлик миллийликнинг модиятидир, миллийлик эса умуминсонийликнинг намоён булишидир. Нихоят, адабиётнинг умуминсонийлиги миллий хусусиятларини йуколиб бориши хисобига эмас, балки унинг ривожланиши, такомиллашуви узмохиятини чуқуррок юзага чиқариш хисобига юз беради.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Миллийлик деганди нимани тушунасиз?
2. Миллийлик нималарда намоён булади?
3. Миллий характер ва миллий психология деганда нимани тушунасиз?
4. Сиз укиган бадиий асарда бу муаммо кай тарзда намоён булган?
5. Умуминсонийлик деганди нимани тушунасиз?
6. Умуминсонийликни ифодаловчи воситалар кандай ифодаланади?
7. Умуминсонийлик миллийликка нйсбатан кенг туунчалигини кандай ифодалайсиз?
8. Сиз укиган асарларда умуминсонийлик кандай курсатилган?
9. Асар тилида миллийлик кандай акс этади?
10. Миллий характер деганда нимани тушунасиз?

### **4-МАЪРУЗА: БАДИЙ АДАБИЁТДА ТИПИКЛАШТИРИШ**

#### **Режа:**

1. Тип ҳақида маълумот.
  2. Типиклаштириш ва унинг турлари.
  3. Типиклаштиришнинг ўзига хос хусусиятлар.
- Борлиқдаги ҳамма нарса кўзга аниқ ташланиб тургани билан, ҳаётнинг мохиятини очмайди. Ҳаёт ҳақиқатини очиш, ундаги етакчи тенденцияларни пайқаш

учун санъаткор-катта тадқиқот олиб боради, борликдаги воқеа-ходисаларни таҳлил қилиб ҳаётдаги жараёнларнинг моҳиятига кириб боради. Чунки алоҳида нарса ва ҳодисалар ҳали ҳаётнинг қонуниятларини очмайди. Ҳаёт ҳаркатини, унинг қонуниятларини очиш учун санъаткор ҳаёт ҳодисаларини умумлаштириши, муҳимини номуҳимидан ажратиш керак бўлади.

Ҳаётни бадиий ифодалар экан, ёзувчи воқеа-ҳодисалардан энг муҳимларини танлайди. Кўпчилик одамлар нарсаларга хос бўлган етакчи жиҳатларни айрим одамларда, нарсаларда мужассамлайди. Ҳуллас ёзувчи ҳаётдаги воқеа- ҳодисаларни умумлаштиради, қуюқлаштиради, яхлитлаштиради ва тиниқлаштиради. Ана шу типиклаштириш дейилади. Типик ҳолат ва образлар воқеликни ҳаққоний тасвирлашга имкон беради. Фақат типик ҳолат ва образларгина китобхонга ҳаёт тўғрисида тўлароқ тасаввур беради холос. Асарнинг қиммати ҳам ёзувчининг типиклаштира олиш маҳорати, типиклаштирилганлик даражаси билан белгиланади.

Умумлаштириш, қуюқлаштириш, тиниқлаштириш бадиий асардаги ҳамма компонентларда - воқеа-ҳодисалар манзаралар тасвирий, нарса ва предметлар ҳамда ҳайвонларни тасвирлашда кайфият ва ҳолатларни беришда ҳам амалга оширилади. Айниқса асарда тасвирланган инсон образларини типиклаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳаётда одамлар бирор миллат жинс, синф, табака ёки гуруҳ тоифа ёки касб - кор ҳалқ ёки миллатга мансуб бўладилар. Наполеон-император ва лашкарбоши, Зайнаб Омонова - колхозчи ва звено бошлиғи, Дукчи-эшон-пир ва курашчи, Раъно ва Кумушбиби - аёл ва ҳ.к. Ёзувчи ўз асарида бирор шахсни тасвирлар экан, унда шахс мансуб бўлган бутун бир-бирор шахсни тасвирлар экан унда ўша мансуб бўлган бутун бир тоифага хос хусусиятларни шу қадар мужассамлайдики, натижада у китобхонда бутун бир миллат синф ёки гуруҳ тўғрисида тасаввур беради. Бадиий асардаги барча персонажларда маълум даражада ана шундай характерли хусусиятлар мужассамланган бўлади. Умумий хусусиятларни энг куп ва кучли мужассамланган инсон образлари тип дейилади.

Битта асарда нечта тип бўлиши мумкин. Бу аввало ёзувчининг маҳоратига, иккинчидан, асарда тасвирланаётган воқеалар характерига боғлиқ. Шундай қилиб, ўзида бир синф социал гуруҳ, тоифа, касб, жинс ва миллат кишиларига хос хусусиятларни, яъни ўзи сингари қўпчиликка хос хусусиятларни мужассамланган инсон образлари тип дейилади.

Асарда тасвирлан инсон образларида фақат умумий хусусиятларгина мужассамланган бўлса, у ҳолда образ жонли ҳаётий бўлмайди, мавхум бўлиб қолади ва ҳаёл тўғрисида аниқ тасаввур қолдирмайди. Бадиий асардаги ҳар бир персонаж шахс ўзига хос қиликлари, ҳатти-ҳаракатлари, қиёфасига эга. бўлгандагина эсимизда қолади. Чунки ҳар бир инсон ўзига хос бир дунё бўлиб, бошқаларга ўхшамайди. Шундай экан бадиий асарда тасвирланган ҳар қандай типик образ ҳам ўз қиликлари, ҳатти-ҳаракатлари, қиёфаси билан аниқ эсда қолдирадиган индивидуал шахс бўлиши керак. Шундай қилиб, бадиий асардаги инсон образларида умумий хусусиятлар такрорланмас индивидуал хусусиятлар орқали ифодаланади. Фақат типиклик билан индивидуалликларнинг бирлигигина жонли ва ёрқин яратиш имконини беради.

Индивидуалликсиз типиклик бўлмайди. Индивидуаллик персонажларнинг нутқида, қлиқларида, қиёфаси, портретида, автор томонидан ёки бошқалар тилидан қилинган таъриф - тасвифларда, персонажнинг фаолияти воқеалар ривожидиги ролида бўлади. Шундай қилиб ўзига хос хусусиятлари аниқ бўртиб турган персонажлар характер бўлади. Характер қаҳрамоннинг килган ишлари ирода йуналишининг қайси томонга қаратилганлиги хамдир. Шундай қилиб, ўзининг индивидуал хусусиятлари билан ажralиб турдиган шахслар характер бўлади. Ўзиди

ўзи мансуб бўлган тоифа хусусиятларини мужассамланган персонажлар эса тип бўлади. Хар кандай тип албатта характердир. Лекин ҳар кандай характер тип булавермайди. Масалан: Мирзакаримбой билан Йулчи айни пайтда ҳам характер ҳам типдир. Бирок, Ёрмат билан Нури факат характердир. Мирзакаримбой ўзининг кексайса ҳам бакувватлиги пастаккина эканлиги, юзларининг кип-кизиллиги билан. бошқалардан ажралиб турадики, бу унинг характери эканлигини курсатади. Шу билан бирга Мирзакаримбой зикна, пишиқ, бойликка уч. У хатто кариндош-уруғларидан ҳам фойда чиқариб олишни кўзлайди. Йулчига ҳам арzon ишчи-кучи сифатида карайди. Бу ундаги мулқдор буржуазияга хос бўлган типик томонлардир. Йулчи эса ўша даврдаги хонавайрон бўлган батраклар вакили. Бирок у барваста, очиккунгил, содда.

### **Типиклаштириш принциплари:**

1. Тўқима образларда типиклаштиришда ёзувчи биргина персонажда у мансуб бўлган бутун синф, тоифа, миллат ёки касб кишиларга хос хусусиятларни мужассамлайди.

Масалан: Йулчи, Мирзакаримбой, Лукмончи, Отакўзи Умаров.

2. Тарихий шахслар образларини типиклаштиришда бошқачароқ йўл тутилади. Тарихий шахс образини типиклаштиришда уларга бошқаларнинг хусусиятларини ёпиштириб бўлмайди. Тарихий шахс образини типиклаштириш ёзувчи ўша шахс характери учун хос бўлган хусусиятларнигина бўрттиради. Масалан: "Ўтган кунлар" романидаги Худоёрхон, Мусулмонқул.

3. Буюк шахслар образларини яратища типиклаштириш. Бундай шахсийларни тарихни ўзи типик қилиб яратган. Бундай шахслар образларини яратища ёзувчи улар характерининг бирор томонинигина очишга характер қиласди. Битта ёзувчи биргина асарда тарихий шахс характерининг барча томонларини оча олмайди. Масалан: "Навоий" романнда Ойбек Навоий образини инсонпарвар ва гуманист сифатидаги томонларинигина очган холос.

4. Автобиографик асарлари типиклаштириш: Автобиографик асарларда факатгина хужжатларга тўғри келадиган воқеалар ва автобиографик қаҳрамон характери учун хос бўлган хусусиятларгина типиклаштирилади, деган карашлар тўғри эмас. Автобиографик асарларда ҳам ёзувчи гарчи ўзининг хотиралари хужжатларга тўғри келадиган воқеаларни ифодаласада, барибир унда ҳам қаҳрамонни ўз даврининг авлоди хусусиятларини айнан ўзи деб қабул килавериш тўғри бўлмайди! Масалан: Ойбекнинг "Болалик" А.Қаҳҳорнинг "Ўтмиш эртаклари", Н.Сафаровнинг "Наврўз" асарларидаги Муса, Абдулла, Назиржон образларини олинг.

5. Лирик типиклаштириш : Лирикада ҳам типиклаштириш бўлади. Битта шеърда бир неча кечинма, бир нечта туйғу ва кечинма ифодаланган чоғда ҳам улардан биттаси бўрттирилади. Ёки лирикада лирик қаҳрамон кечинмаларининг энг юксак нукталари ифода этилади. Ана шу йул билан лирикада типиклаштириш амалга оширилади. Лирикада шоир ўзининг лирик "мени" туифуларни ифода қиласди. Шунинг учун шоир шахсининг туйғулари бошқалар учун ҳам умумий бўлмайди деган фикр тўғри эмас. Шоир даврнинг илғор фарзанди бўлиб унинг шахсий кечинмаларида замондошларнинг туйғу кечинмалари мужассамланади.

### **Типларнинг турлари:**

1. Маънавий-ахлоқий типлар
2. Тарихий типлар
3. Синфий типлар
4. Миллий типлар.
5. Идеал, типлар

Маънавий-ахлоқий типларда инсонга хос бирор фазилат ёки иллат мужассамланади. Бальзакнинг "Горио ота" романидаги Горио образида оталик туйғуси мужассамланган. Горио ўзи макарон фабрикасининг эгаси ва ун жаллоб, лекин ёзувчини, Горионинг капитилист-фабрикантилиги қизиқирмайди, унинг инсонлиги к.изларига бўлган чексиз мухаббати низиктиради.

- тарихий типлар бу ўзида муайян тарихий даврнинг хусусиятларини мужассамлаштирган типлар бўлиб улар ўша давр хусусиятларининг ташувчиси бўладилар. Тарихий типлар тарихий шахс ҳам бўлиши мумкин,, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан: "Судхўрнинг ўлими" повестидаги Қори ишкамба капитализмнинг дастлабки боскичи вакили хисобланади.Олтин Водийдан шабадлар" романидаги Укта урушдан кейинги давр типи.

- Синфий типлар ўзида муайян синф вакилларига хос бўлган хусусиятларни мужассамлайдилар. Масалан: Йулчи ва Мирзакаримбой.

- Миллий типлар бирор миллат ҳакида тўлик тасаввур берувчи образлардир. Бир ҳалқ ёзувчисининг асарида бошқа ҳалқ вакили тасвиirlангани бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

- Идеал типлар. Яхшилик ёки ёмонлиликни наъмунаси қилиб тасвиirlанган типлар. Идеал типлардир. Масалан: Мехрибону.

Ёзувчи ижодининг киммати у яратгактиплар билан белгиланади. Тип фақат китобхонни мафтун қилибгина колмасдан, ёзувчининг шуҳратини чиқаради ҳам . Бир ёзувчи ижодида типлар бир иккитағина бўлиши мумкин холос. Ёзувчи асаридаги барча қаҳрамонларда ҳам типикли хусусиятлари у ёки бу даражада бўлиши мумкин. Лекин барча персонажлар тип булавермайди. Иноят окосоқол Каландаров - тип. Лекин Сидикжон тип эмас, адашиб йўлини топа олмасдан қолган батракларга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаган образ. Энг кучли типлар жаҳрншумул аҳамиятга эга бўлиб, турдош отга айланиб кетади. Масалан, Каландаровчилик, Донпцянлик.

Типлар камёб нарса бўлади. Муқаммал типлар яратиш энг буюк ёзувчиларгагина насиб бўлади хрлос. Шулардан қаҳрамон масаласи келиб чикади. Асарда . асосий вазифа бажарадиган персонажлар қаҳрамон дейилади; Асар воқеалари ва қаҳрамонлар ўртасида бош мавқени эгаллаган қаҳрамонлар бош қаҳрамон бўлади.

Ирода йуналишига қараб қаҳрамонларни 2 га бўлиш мумкин:

- Ижобий қаҳрамон
- Салбий қаҳрамон

Фаолияти ирода йуналиши билан таравдиётга хизмат киладиган қаҳрамонлар ижобий қаҳрамон дейилади. Аксинча тараққиётга хизмат қилмайдиган ёки тараққиётга мос келмайдиган қаҳрамонлар салбий қаҳрамон бўлади.

Ижобий қаҳрамон билан бош қаҳрамон бир нарса эмас. Бош қаҳрамон ижобий бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан: Саидий, Григорий, Мелехов.

Идеал қаҳрамон деган нарса ҳам бўлиб, бу бутун бир давр учун намуна бўла оладиган қаҳрамонлардир. Масалан: Фарход Луққмонча.

Ижобий қаҳрамон 2 хил бўлиши мумкин.

- Объектив ижобий қаҳрамон. Субъектив ижобий қаҳрамон

Ёзувчи китобхонга намуна қилиб кўрсатмокчи бўлган қаҳрамон субъектив ижобий ҷаҳрамондир. Аксинча ёзувчининг хохишидан ташқари китобхонинг ўзи ижобий деб тан олган қаҳрамон объектив ижобий қаҳрамон бўлади. чунки замонанинг чекланганлиги ва дунёкарашидаги чекланганлик оқибатида баъзан ёзувчи ижобий деб

тасвирлаган қаҳрамонни китобхон ижобий деб қабул қилмасдан бошқа шахсни ижобий деб танлаши хам мумкин.

Масалан, Бальзак асрларидаги Рафаэль; Растиньяк; Люсень кабилар субъектив ижобий қаҳрамонлар бўлсалар Бурже, Фанни Мальвио кабилар объектив ижобий қаҳрамонлардир.

У.Умарбековнинг "Одам булиш қийин" романидаги Гулчехра хола бизнинг субъектив ижобий қаҳрамондир.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Типиклаштириш нима?
2. Бадиий асар ёзишда типиклаштириш шартми?
3. Типиклаштириш шартлари кайсилар?
4. Типиклаштириш принциплари кайсилар?
5. Типнинг қандай турларинин биласиз?
6. Тарихий типлар қандай яратилади ?
7. Идиал типлар қандай яратилади ?

### **5-МАЪРУЗА: БАДИЙ АДАБИЁТДА АНЬАНА ВА НОВАТОРЛИК**

#### **Режа:**

1. Анъана хақида маълумот
2. Новаторлик хақида тушунча
3. Анъана ва новаторликнинг бадиий адабиётдаги ахамияти

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И. Султон Адабиёт назарияси 1980
2. Адабиёт назарияси 1969 йил

#### **Таянч иборалар**

1. Анъана
2. Новаторлик
3. Новаторлик кўринишлари

Бадиий адабиёт ижтимоий онг шакли сифатида тарихий таравдиёт-Хонуниятларига буйсунади. Жамиятда юз берган моддий узгаришлар бадиий адабиётда хам узгаришларни келтириб чихаради. Кадимги Юнонистонда юз берган йирик меҳнат таҳсимоти санъат ва адабиётнинг юксак таракдиётига олиб келди. Марказий Осиёда Урта асрлардан кейин юз берган ихтисодий ва сиёсий таназзул эса узбек адабиётининг орхага кетишига сабаб булди.

Синфий кураш адабиётга хам таъсир курсатди. Бадиий адабиётнин! синфлар кураш куролига айлантиришга уринадилар. Бирок адабий оқимлар курашини бевосита синфлар кураши ифодаси тарзида талхин килиш тугри эмас. Жамиятда ижтимий кураш кучайган кутарилиш даврларида адабиёт хам гуллайди, реакция даврларида адабиёт хам тушкунликка юз тутади.

Хар бир давр ўз санъатини яратади. Маркс, Гомер эпосини инсониятнинг болалиги деб атаган эди. Демак, эпос ибтидоии жамоа даврнинг адабиёти булиб, кейинчалик ундей адабиёт яратилмади.

Адабиёт мафкура булиши билан бирга санъат хамдир. У хаётни узига хос образли йул билан ифода этилади. Шунинг хам санъатнинг бир катор узига хос қонуниятларинг борки, улар санъат таравдиётининг жамият Хонуниятларига буйсунмайдиган мустахил характеристини курсатади. Масалан: санъат таравдиёти жамият таравдиётидан олдинлаб кетиши хам, оркдда холиши хам мумкин. Кадимги Юнонистон ижтимоий тараедиётининг энг ибтидоии босхичида эди. Лекин уша даврда

адабиёт шу кадар ривожланиб кетдики, натижада кейинги даврларда хам бу даражага чихиб булмади. Капитализм феодализмга нисбатан прогресс. Лекин Узбекистонда капиталистик муносабатлар кириб келаётган даврда Навоий сингари йирик дахолар дунёга келмайди. Навоий даврида узбек адабиёти таравдиётда олдинлаб кетган, XIX асрларда орхада холган эди.

Санъат ва адабиётдаги узгаришлар бирдан булмайди. Адабиётда ривожланиш революцияси эмас, эвалюция тарзида содир булади. Санъат асарлари умрбоқий бўлади, эскирмайди.

Хар бир давр санъати узидан олдинги санъат билан боишҳ булади. Бир халқ, адабиёти узидан олдинги санъат билан богаҳ булади. Бир халқ, адабиёти иккинчи халҳ адабиётига таъсир этади. Бундан ворислик хонуни келиб чихади.

Хар бир давр адабиёти узидан олдинги давр адабиёти ютухларидан боища халҳлар адабиёти ютухларидан баҳраманд булмасдан ривожлана олмайди.

Анъана новаторлик масаласи ворислик хонуниятининг намоён булишидир. Анъана утмиш адабиётдан холган энг яхши гоявий-бадиий бойликлар, кейинги давр адабиёти томонидан ривожлантириладиган утмиш адабиёти ёки бошка халҳлар адабиётларининг энг яхши ютуклари адабий анъана булади. Масалан, Навоий ўз асарларида инсонпарварлик, қаҳрамонлик, халҳлар дустлиги, зулм ва разолатга нафрат гояяларини олға сурган. Ана шу гоялар кейинги ёзувчилар томонидан ривожлантирилди ёки А.Кдирий, Валтер Скот, хамда Журжи Зайдон' ижодидаги роман шаклини олиб шу асосида бутунлай янги узбек миллий романини яратди. Э.Вохидов эса классик адабиётидаги газални ривожлантиради.

- Анъана куйидагича булади:
- Боявий анъана. Бу Навоийдаги инсонпарварлик, қаҳрамонлик гоялари ва мотивларининг ривожланишидир.
  - Типлар анъанаси. Образ яратиш принципларининг кейингилар томонидан қабул килиниб ривожлантиришидир. Фарҳрд - Азизхон Эвклион (пативнинг "Мунди" якомедияси) - Гобсак (Бальзакнинг "Гобсек" романи) - Кори Ишқаиба (Айнийнинг "Суддурнинг улеми" повести) - Иноят оксакол (С.Ахмаднинг "Уфк" романи) ана шу типлари анъанасининг намунасиdir.

Айрим типлар даётда уз умрини яшаб булғанлиги туфайли адабиётлар дам уз умрини тугатади. Масалан, чулларга сув чикарувчи Фардод каби кадрамонлар анъанаси шундай булди.

- Формал анъаналар ёки бадиий анъаналар содасидаги анъаналар ёки, бадиий анъаналар содасидаги анъаналар. Шуниси мухимки. гоявий анъаналар, хар дамда типлар, хамда тшлар")анъанаси дунёцараши бир бирига якин ёзувчилар томонидан ривожлантирилади. Формал анъаналар эса дунёкараши турлича булган ёзувчилар томонидан дам ривожлантирилади. Чунки бадиий форма дунё^арашибетараф булди. Лекин дар бир ёзувчи мавжуд форманинг узининг дунёкарашини ифодалаган буйсундириши мумкин. Демак, формал анъана бу рлдингилардан мерос колиб кейинги ёзувчилар томонидан ривожлантирилаётган жанрлар (роман, газал) тасвир воситалари вазн, дамда кофиялардир.

- Бадиий форма содасидаги анъаналар куйидагича давом эттирилади.
- Мавжуд жанр формаларини ривожлантириш:
  - Утмиш анъаналарини синтез килиш;
  - мавжуд шаклдан кисман фойдаланиб, бутунлай янги жанр яратиш: Масалан: поэма, роман, газал.
- Эски формаларни тирилтириш;

Хар бир ёзувчи узидан олдингиларни тажрибасига суюниб, бирор янги фикр айтишга даракат киласи, олдингилар гояларини ривожлантиради.

Хар кандай янги асар олдингисига Караганда, олга куйилган кадам булади. Олди янги асар даражасига кутарила олмаган, нунок, ва таклидий асарлар бундан мустасно. Кейин яратилган асарни янгилик даражаси турлича булади, утмиш адабий анъанасидан фойдаланиб яратилган принципида янгилик новаторликдир.) хар бир асарда дам новаторлик белгилари булади, дар бир ёзувчи дам у ёки бу даражада новатордир. Лекин дар кандай асар дам, дар бир ёзувчи дам гула маънода новатор булавермайди.

Хамза узбек адабиётида мавжуд булмаган драма жанрини, АДодирий роман жанрини олиб кирди ва юксак даражага кутарди. Хакикий новатор шудир. Яшин эса янги форма олиб кирмади, у мавжуд анъаналарни давом эттириди. Даландаров образи дам юксак мадорат билани яратитлган янгиликдир. Лекин яцгиликда дам янгилик бор. Хар кандай кутилмаган ва олдингиларга учрамайдиган адабий додиса новаторлик бўлавермайди. Новаторлик дакиий ва сохта булади. Хакикий новаторлик утмиш адабий анъаналарига асосланиб адабиётда принципидан янгилик яратишдир. Баъзан новаторлик эскирган формаларни кайта тирилтиришида дам намоён булиши мумкин. Сохта новаторлик эса йук. жойда янгилик яратишда уриниш натижасидир. Бу долда ёзувчи утмиш адабий анъаналарини менсимай, деч ухшамайдиган янгилик яратиб, даммани койил колдирмокчи булади. Натижада у муваффакиятга эриша олмайди. Пролеткультчиларнинг уринишлари ана шундай эди.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Анъана деганда нимани тушунасиз?
2. Анъананинг кандай турларини биласиз?
3. Роя анъаналар бадиий адабиётда кандай ифодаланади?
4. Типлар анъанаси нима? Мисоллар оркали тушунтиринг.
5. Бадиий форма содасидаги анъаналар кай тарзда ифодаланади?
6. Новаторлик деганда нимани тушунасиз?
7. Узбек адабиёти мисолида новаторликни тушунтириб беринг.
8. Хар доим дам новаторликка ижобий дол деб караш мумкинми?
9. Хар иккисининг бадиий адабиётда кандай адамияти бор?
10. Узбек адабиётида кайси давларда шаклий новаторлик ривожланди?

### **6-МАЪРУЗА: БАДИЙ АСАРНИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ**

#### **Режа:**

1. Сюжет таърифи.
2. Сюжетнинг ички тузилиши.
3. Сюжет типлари.
4. Бадиий асар композицияси

М.Горпкий сюжетни «алоқалар, қарама-қаршиликлар, симпатиялар ва антипатиялар ва умуман кишиларнинг Ўзаро муносабати у ёки бу характернинг Ўсиши ва ташкил топиши тарихи», - деб атайди. Сюжетга характерларнинг кечинмалари тарихи ҳам киради. Арасту фабулани гЎ-залликнинг ҳажми ва тартиби дейди. Фабула воқеалардаги кескин бу-рилишлардир, воқеанинг бир маромдан бошқа маромга бирдан Ўтишидир дейди. Фабулага тугун билан ечимни киритади. Демак, сюжет асардаги воқеалар оқимиdir, уларнинг бир-бирига боғланишидир, ундаги алоқалар, қарама-қаршиликлар, характерларнинг ривожланиши тарихи, ана шу тарихнинг босқичларидир, асардаги туйғу ва кечинмаларнинг мантиқийлигидир.

Бадиий асарларда воқеалар боришида, характерлар тақдирида бирдан кутилмаган кескин Ўзгаришлар бўлади. Бу эса асарда янги-янги тугунларни келтириб чиқаради, китобхонда қизиқиши кучайтиради. Ана шу тугун ва ечимларда характерлар мантиқи, воқеа ва характерлар ривожланиши тарихи намоён бўлади.

Тугун ва ечимлар Ўз-Ўзидан ха-рактерлар ривожланишини кўрсатмайди. Характерлар ва воқеаларнинг ривожланиши тарихи ана шу моментлар воситасида очилади.

Сюжетни қарама-қаршиликлар, характерларнинг ривожланиши тарихи, асардаги воқеалар оқими деб таърифлашда асосан ийрик насрий ва драматик асарларга хос хусусиятлар кўзда тутилган. Ваҳоланки, лирик асарларда характер бўлмайди. Бўлганда ҳам уларнинг ривожла-ниши тарихи кўрсатилмайди, кичик жанрларда воқеалар берилмаслиги, уларнинг оқими кўрсатилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам сюжет фа-қат асардаги воқеалар оқими, характерларнинг ривожланиш тарихигина эмас, асардаги туйғу ва кечинмалар оқими, уларнинг ривожланиш мантиқи ҳамдир.

### **Сюжет элементлари:**

- **экспозиция** (баён қилиш, изоҳламоқ) - сюжетда тугундан олдин келадиган вазиятдир. Экспозицияда қаҳрамонлар, уларнинг Ўзаро муносабати, асосий ходисалар тўғрисида маълумот, ахборот берилиб, улар билан китобхонни таништиришдир. Экспозициянинг Ўзи ҳали асосий воқеани, асар конфликтини келтириб чиқармайди. Шундай бўлса ҳам у асардаги асосий воқеаларнинг характер ва йўналишларини белгилайди. Экспозициянинг қаерда келиши ёзувчи ниятига боғлик. Шунга кўра экспозиция турлича бўлади: тўғри, кечикирилган, тескари. Тўғри экспозиция тугундан олдин келади. Кечикирилган экспозиция тугундан кейин воқеа ичдида ёки ундан олдин келади. Тескари экспозиция эса асар охирида келади (В.Каверин «Икки капитан»). Экспозиция прологга яқин туради. Бироқ прологдан фарқли равишда асарнинг асосий воқеаси билан ички бирликка эга бўлади.

- **тughun** - қаҳрамонлар Ўртасидаги тўқнашувнинг бошланиши, асарда қўйилган жумбоқдир. Асар воқеалари ана шу жумбоқнинг ечилиши билан тугайди.

- **воқеалар ривожи** - персонажлар Ўртасидаги муносабатлардаги Ўзаришлар. Воқеалар ривожи кўп катламли, кўп босқичли бўлиши мумкин. Янги тугунчалар, бир томондан, асосий ту-гунни янада мураккаблаштиурса, иккинчи томондан, асосий тугун ечи-лишининг босқичлари ролини Ўйнайди. Бунда қаҳрамоннинг олдинги тарихи, кейинги тарихи, тупик, тормозланиш, сир сақлаш, топишиши, кутимаган Ўзарии каби лаҳзалар ҳам бўлиши мумкин.

- **кулминация** - воқеалар ривожининг энг юқори нуқтаси, конфликтнинг ечилишига олиб келадиган ҳаёт ва муносабатлар ҳолатидир.

--- **ечим** - ҳаётий масаланинг ҳал этилиши натижасидир. Ечим қаҳрамонларга муносабатни ойдинлаштиради, ғоявий ва эмоционал муносабатларни Ўткирлаштиради. Ечимда конфликт ва воқеалардан келиб чиқадиган ғоя ифодаланади.

--- **постпозиция** (тугалланма) - драматик асарларда эса финал дейилади. Бунда кураш натижасидаги кучларнинг жойлашуви кўрсатилади. Экспозиция билан постпозиция мустақил ғоявий-бадиий даражага кўтарилса, у пролог ва эпилог бўлади. Умуман, тугалланма персонажларнинг ечимдан кейинги ҳолатидир.

- **пролог** - экспозиция ролини Ўйнайди. Шу билан бирга, прологда тугун берилади. Бу тугун кучлироқ бўлади.

- **эпилог** - ечимдан кенгроқ бўлиб, унда ечимдан сўнгги қаҳра-монлар тақдири кўрсатилади. Эпилог ғояни яна ҳам чуқурлаштиради.

Баъзан сюжетни ҳам шаклга киритишади. Бироқ сюжетни бутун-лай Шаклга киритиб бўлмайди. Асарнинг асосий конфлиktи сюжетда очилади. Демак, сюжет фақат Шакл эмас, мазмунга ҳам алоқадордир. Сюжетда Шакл билан мазмун бирликда намоён бўлади. Ҳаёт коллизия-ларини бевосита очадиган санъат турларида сюжет бўлади. Меъморчилик, хореография ва мусиқанинг айrim турларида сюжет бўлмайди. Сюжетда одамларнинг Ўзаро муносабатлари, симпатия ва антипатиялари, зиддиятлар акс этади. Воқеаларни динамик илғай олишда сюжет қуриш маҳорати кўринади.

Айниқса, драмада сюжет қу-риш масаласи мұхимдир. Драмада кулпминация бутун воқеалар тарақ-қиёти жараёнида тайёрланиши керак. Сюжет қизиқарли бўлиши, қуруқ бўлмаслиги керак. Сюжет кескинлигини қизиқарлилик билан алмашти-риш айрим асарларни сюжетдан воз кечишга олиб келади. Замонавий сюжет катта аҳамиятга эга бўлади.

Мавжуд илмий ва Ўкув адабиётларида сюжетнинг икки тури ҳақида гапирилади. Аслида эса, сюжетнинг қуидаги тЎрт тури бор:

- **хроникали;**
- **ретроспектив;**
- **концентрик;**
- **ассоциатив.**

*Хроникали* сюжетда воқеалар бир бошдан бошланиб, бирин-кетин ҳикоя қилинади. Хроники сюжет ишонарли бўлади. Бироқ сюжетнинг бу тури доим ҳам қулай восита бўла олмайди, чунки хрониканинг Ўзи сюжет бўла олмайди. Хроникалилик кўпинча натуралистик баёнчиликка олиб келади, ёрқин образлар яратишга имкон бермайди. Масалан, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларида, Айнийнинг «Эсадаликлар»ида, П.Турсуннинг «Ўқитувчи»сида воқеалар қаҳрамонинг туғилишидан, то маълум ёшигача берилади. Бироқ бу асарларнинг композицион қурилиши, воқеаларни танлаш, саралаш, умумлаштириш ва уларни бадиий ифодалаш маҳорати, уларни жойлаш-тириш, яъни композиция шунга олиб келади, бу асарларни Ўқиган киши унда ортиқча нарса йўқ, барча воқеалар бадиий-эстетик ва ижтимоий қимматга эгадир, деган хулоса чиқади. Уларда эътиборга лойик ва қизиқарли сюжет ҳосил қилинади.

*Ретроспектив* (орқага қайтувчи) сюжетда воқеалар бир бошдан бирин-кетин ҳикоя қилинмай, балки воқеанинг маълум жойида тЎхтатиб қўйилиб, унинг Ўтмишига, олдинги воқеаларга мурожаат қилинади. Баъзи асарлар умуман ана шундай орқага қайтишга асосланса, айрим масалаларда вақти-вақти билан воқеалар ҳамда қаҳрамонларнинг Ўтмишига қайтиб турилади. Масалан, М.Шолоховнинг «Инсон тақдири» қиссаси бутунича орқага қайтишга асосланган. А.Қодирийнинг «Мех-робдан чаён» романидаги Солих Маҳдумнинг Ўтмиши тасвири, Ҳ.Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон»ида Зайнаб билан Омоннинг Ўтмиши, Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида комиссар ва Т.Маликнинг «Шайтанат» қиссасида бош қаҳрамони Асадбекнинг Ўтмиш ҳаёти тасвири кабилар вақти-вақти билан орқага қайтиш намунаси бўлади.

*Концентрик* сюжет тадқиқот сюжет ҳам дейилади. Унда воқеа ҳикоя қилинмайди, Ўтмишга ҳам мурожаат қилинмайди. Концентрик сюжетда бирор ҳодисанинг сабаблари таҳлил қилиш жараёнида содир бўлган воқеалар китобхон кўз Ўнгидаги жонланади. Масалан, Ў.Умарбе-ковнинг «Ёз ёмфири» қиссаси бошида Чорсудан Мўниснинг жасади то-пилади. Унинг қандай Ўлдирилганлигини ёзувчи ҳам, китобхон ҳам, асар қаҳрамонлари ҳам ҳикоя қилиб бермайдилар. Жиноят сабабларини текшириш жараёнида китобхон кўз Ўнгидаги содир бўлган воқеалар жонланади. Софоклнинг «Шоҳ Эдип», О.Абдуллиннинг «Ўн учинчи раис» драмалари, Ҳ.Ғуломнинг «Машъял», О.Ёқубовнинг «Ларза», Ў.Умарбе-ковнинг «Фотима ва Зухра», Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Т.Маликнинг «Шайтанат» каби асарлари ҳам сюжетнинг ана шу турига асосланиб қурилган. Чунки концентрик сюжет кўпинча детектив асарлар учун ҳос бўлади.

*Ассоциатив* сюжет илгарилари асосан лирик асарлар учун харак-терли бўлиб, лирика ташқи ҳодисаларга шоирнинг муносабати ёки ташқи ҳодисалар таъсирида шоир Шахсида туғилган туйғу ва кечинма-ларга асосланарди. Ҳозирда сюжет қуришнинг ассоциатив усули йирик насрый ва драматик асарлар учун ҳам бўлиб

қолмоқда. Бундай асарларда ҳикоя қилинмайди, балки қаҳрамоннинг хотиралари, Ўй-хаёл-лари, тасаввурлари оқими берилади. Масалан, А.Мухторнинг «Давр ме-нинг тақдиримда», «Чинор», С.Анорбоевнинг «Умр», Ч.Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари», «Асрға татигулиқ кун», Ў.Умарбековнинг «Шошма қуёш», О.Ёқубовнинг «Кўхна дунё» асарлари асоциатив сюжет асосида қурилган. Лирик поэмалар сюжети ҳам асоциатив усула асосланади.

Асарда ҳар бир персонаж Ўз характери ва вазифасига эга бўлади. Уларнинг барчаси асосий нарсага, яъни воқеалар ривожига бирлашти-рилади ва шу билан асар сюжетини очишга хизмат қиласди. Сюжет би-лан композиция ажралмасдир. Сюжет бўшлиги композициянинг бўшли-гини келтириб чиқаради. Аниқ Шакллантирилмаган бўш композиция эса сюжетни ҳалок қиласди. Бироқ яхши ишланган композициянинг Ўзи ҳам муваффақият келтирмайди. Композициянинг қиммати ғоянинг қиммати билан белгиланади. Яхши композицияда ифодаланган ғоя сюжетни ҳам яхшилайди. Демак, сюжет асар мазмунини очиш Шаклидир.

*Композиция* - воқеалар, образлар ва асосий ғояни очишга хизмат қиласдиган воситаларнинг жойлаштирилиши, меъёри ва нисбатидир. Композиция - асарнинг курилиши, тузилиши, унинг структурасидир.

Композиция - асадардаги барча қисмларни ўюштирувчи мувофиқ-ликдир, алоҳида элементларнинг, воқеа ва эпизодларнинг жойлашиши, элементларнинг бир бутунга хизмат қилдирилишидир. Композиция марказий фигурани белгилаб олиб, сўнг бошқа персонажларни унинг атрофида жойлаштиришдир. Композициянинг курилиши ҳам санъаткор танлаб олган ва тасвирлаган ҳаётий материалга боғлиқдир. Бадиий маз-мун композициянинг қанчалик аниқ қурилганлигига боғлиқдир. Асада-ги композицион элементларнинг барчаси умумий мақсадга қаратилган бўлиши керак.

Композиция элементлари:

- сюжет элементларининг тартиби;
- қолиплаш;
- қистирма ҳикоялар;
- чекинишлар. Чекинишларда муаллиф сюжетдан четга чиқиб, тас вирланаётган воқеа ва қаҳрамонларга муносабат билдиради;
- сюжет линияларининг жойлашиши;
- образларнинг жойлашиши;
- қаҳрамонларнинг диалог, монологлари, Ўз туйғуларини ифода этишларининг Ўрни, ички монологлар;
- портрет характеристикаси. Портретда қаҳрамонлар ташқи қиёфасигина эмас, уларнинг ички дунёсидаги Ўзгаришлар ҳам мужассамланади.
- пейзаж ва муҳит характеристикаси.

Сюжет композицион тартиб орқали юзага чиқади. Композиция сюжетдан кенгроқдир. У сюжет билан боғлиқдир. Асад воқеаларини хронологик тартибда жойлаштираслиқ, тугун ва ечимини ҳар ерда бериш мумкин. Бу ҳам композиция бўлади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Сюжет таърифи.
2. Сюжет элементларини кўрсатинг.
3. Сюжет типлари.
4. Лирикада сюжет.
5. Хроникали сюжет.
6. Ретроспектив сюжет.
7. Концентрик сюжет.
8. Асоциатив сюжет.

9. Сюжет ва композиция.

10. Композиция элементлари ҳақида маълумот беринг.

### **Таянч иборалар**

- 1.Сюжет.
2. Сюжет типлари.
- 3.Сюжет элементлари.
4. Композиция.
5. Композиция элементлари.

### **Адабиётлар:**

1. Раҳимов А. Бадиий сюжет типлари ва романбоп ривоянинг такомиллашуви. ФДУ. Илмий хабарлар. 1996 йил, № 4. -Б. 40-45.
2. Иброҳимов А. 80-90-йиллар Ўзбек романида концентрик сюжет қурилиши. ФДУ. Илмий хабарлар. 1996 йил, № 4. -Б. 46-48.
3. Раҳимов А. Роман санъати. Қўлланма. Фарғона, 2001. - Б.38-56.

## **7-МАЪРУЗА. ҲОЗИРГИ АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ АСОСИЙ МЕТОДЛАРИ**

### **Режа:**

1. Ҳозирги адабиёцхуносликнинг асосий методлари
2. Психоаналитик метод.
3. Интуизми методининг Ўзига хос хусусияти.
4. Формализм, екзистенциализм методи.
5. Структурализм методи ҳақида тушунча.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Адабиёт назарияси 2 томлик. 1978, 1979
2. Философия лу гъати. Тошкент 1976

### **Таянч иборалар:**

1. Психоаналитик метод.
2. Интуизм
3. Формализм.
4. Структурализм.

Психоаналитик метод. Е.Фрейд, И.Нейфелг‘д, И.Д Йермоновлао адабиетни еҳтиросларга бой бўлган ҳолатларни кўрсатиб бериш адабиетнинг асоси деб биладилар. Бадиий , адабиётдан худди шувдай ҳолатларни қидиришни тар гъиб қилишди. Бадиий адабиётда еротик мотив ва мавзуларнинг Ўрни, меҳёрини билиш зарур. Ортиқча бундай ҳолатларни тасвирлаш инсон тарбияисга, инсонларнинг дидига адабиётни аҳлоқии-естетик функциясига салбий таҳсир этиш мумкин

Айниқса, Ўзбек адабиётида бундай ҳолатларни меҳёрий тасвирланиши талааб етилади. Халқимизнинг миллий, диний хусусиятлари ҳам сира бундаи ҳолатларга тўғрикелмайди.

Интуитивизм - философияда идеалистик оқим бўлиб бу оқим империализм давридаги буржуа философиясида катта таҳсирга ега бўлди Зтигада 20-асрдаги буржуа етикасининг Ўналишларидан бири бўлиб бу иуналиш етикадаги ҳозирги замон формализмига асос.солди У дастлаб Англияда, 50-иилларда АқШ да тарқалди. А.Бергеон, Б Кроча Йу.УАихенвалг‘д, А.М.Йевлаковлар каби олимларр ҳаётни тийоан иуналиш етикадаги ҳозирги замон формализмига асос.солди У'дастлаб Англияда, 50-иилларда АқШ да тарқалди. А.Бергеон, Б Кроча Йу.УАихенвалг‘д, А.М.Йевлаковлар каби олимларр ҳаётни тийран' синчиклаб - интуицияга хос Ўрганиш бу методнинг асосини ташкил этишини таҳқидлашган.

Яҳни интуиция - (лот.-синчиклаб.қараш) аввал мантикий муҳокама қилмасдан, ҳақиқатни бевосита пайқаш қобилияти Марксдан илгариги философияда интуиция билувчилик фаолиятининг алоҳида формаси деб қаралган.

Масалан, Шарқ философиясида Интуицияни пай гъамбарларга хос бўйлган махсус билим усули сифатида талқин етилиб, у ил гъор мутаффакирлар Фаробий, Берунийлар томонидан танқид қилинганд. Интуицияга ҳақиқатни очишнинг бирдан-бир ва ягона йўли деб қарааш мумкин.

Бадиий ижодни онгиз жараён. деб билиш, ушбу метод асосчиларининг асосий принциплари бўйлди. Ижодда онглиликтин, тафаккур ва тажрибанинг ролини инкор етади. Ижод жараёнини Ўрганиш, бугунги кундаги адабиёцхуносликнинг асосий методи санаалган.

#### Формализм методи.

Г.Зампер, А.Ригалларнинг формализмга қўшган хиссалари катта. бордир. Формализм Ўз номи билан бадиий адабиётни Ўрганишда факат формага еҳтибор беради, Бадиий асарни Ўрганишда . айрим рамзий образларни изоҳлаш билан чекланади. Формалистлар хар қандай назарий критерийларни инкор етадилар. қўпинча улар асарнинг ечимини анализ қилиш, тасвир воситаларини таҳқидлаш, таҳрифлаш билан чекланадилар.

Структурализм яқинда келиб чиқкан ижодий метод бўйлиб, улар бадиий асарнинг структурасини ундаги товушлар таркиби, миқдори, жойлашиш Ўрни, тартиби билан маш гъул бўладилар.

Структурализм маҳлум даражада адабиётнинг айрим қонуниятларини очиб беради. Структурализмнинг асосий етакчилари Р.Барт, Ц.Псодеров, Р.Якобсон, Йу.Лотмонлар бу методнинг қатор ижобий хусусиятларини кўрсатиб беришган. Структурализм формализмнинг техника ва кибернетикага оид ҳозирги кириниши еканлиги еҳтироф етишган,

Илмий тушунчалар ва бадиий воситаларни математик воситалар билан аниқ системалаштиришга уриниши зарурлиги бугунгй адабиёцхунослик фанининг еҳтиёжига айланиб бормоқда. Фан таҳника тараққиётини ҳозирги босқичда адабиёцхуносликнинг айрим масалаларини тадқики қилишда компг'йутер ҳамда математик воситалар имкониятларидан фойдаланиш ва уни амалга ошириш ушбу методни асосий функцияси ҳисобланади. Бу методнинг адабиёцхунослик фанини тараққий етишида хизматлари катта.

Шундай қилиб, бадиий адабиётнинг ривожида йуқоридаги методларнинг Ўз Ўрни бор.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Психоаналистик метод нима?
2. Уни бадиий асар таҳлилидаги Ўрни қандай?
3. Интуитивсум методи қандай пайдо бўлтан?
3. Д. Бу методнинг етакчи хусусияти нимада?
4. Формамум методи қандай метод саналади?
5. Структуромум методи асосчилари кимлар?
6. Улар қандай ғояни илгари сурадилар?
7. Замонавий адабиёцхуносликда енг етакчи метод қайси?
8. Структурализм методи нима учун бугунги кунда еҳтибор кучайди.
9. Ушбу методлар ҳақидаги сизнинг фикрингиз қандай?

#### 8-МАЪРУЗА: РОМАНТИЗМ

##### Режа:

1. Романтизм дакида умумий маълумот
2. Романтизм ижодий метод сифатида
3. Романтик тасвир

##### Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Кулжонов. Реализм ва романтизм. Тошкент 1983
2. У.Норматов. Насримиз анъаналари. Тошкент 1978
3. О.Носиров. Ижодкор, шахс, бадиий услуб, автор образи. Тошкент 1981

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Романтизм
2. Революцией романтизм

Борликни кандай булса, ушандай эмас, кандай додласа, ушанда: кўрсатиш, даётнинг узини эмас, унинг кандай булиши кераклигинл яъни ёзувчи ва инсоният орзулатарини тасвирланиши романтизмн'инг асоси: хусусиятидир.

Хаёт хакикатини эмас, туйгулар дакикатини тасвирлаш романтизмнинг навбатдаги хусусиятидир.

Романтизм адабиёти демократик ва маърифий эстетик характерга эгадир. Ёзувчи асар яратар экан, борликни миедаллаштириш тарзида тасвирлайди. Романтизм реал борлик ва давдоний манзарапар тасвирини субъектлаштиради, яъни мавдум идеалга буйсундиради.

Шундай килиб, романтизм асосида яратилган асарларда, борликни образларни идеал образлар, мушодадалар асосида яратилади. Борликдан юз ўгириш, идеал оламдан нажот излаш, даётни идеал орзуларга мослаштириш романтизмнинг навбатдагий хусусиятларидан биридир. Ёзувчи ижодий билан бояник булган хусусиятлардан бири субъективликнинг кучлилигидир.

Ёзувчи даётда конищаган долатда фавқулодда, эмоционаллик, шартлилик асосида баъзан даргазаб, кучли, иродали, исёнкор шахс образлари яратади. Бирок, яратилган образлар бутунлай халкнинг даётида, унинг миллий хусусиятларida узоклашиб кетмайди. Аксинча у шу асосида курилади.

Романтизмнинг тарихий илдизлари асосан кадимги халк оғзаки ижодида яратилган миф, достонлар, хикоят, ривоятларга бориб такалади. Чунки, юкоридаги асарлар халкнинг иедал образлари яратилган асарлар хисобланади.

Романтизмда турли хил оқимлар мавжуд, жумладан тараккийпарвар романтизмни кенг халк оммаси интилишлари билан боғлиқ. Келажак орзуларни инкилобий харакат билан бомаш - революцион романтизм дейилади.

Романтизм - ижобий метод сифатида асосан узбек адабиётида А.Навоий ижодлари билан бояник булган ходиса сифатида шаклланди. Навоий ижодида хам бир вактнинг узида хам романтизм, хам реализм элементлари мавжуд эди.

Севги-мухаббат романтиклар учун умуман инсонийликнинг айни узи булиб келган. Инсонда хамма нарса мураккаб. Романтиклар хам инсоннинг муракаблигини теран ва нозик тушунчаларга, энг аввало инсоннинг табиий ва асл бойлиги севги-мухаббатга, унинг фусункорлигига фавқулодда катта эътибор беришди. Шу нуктадан соғ мухаббатнинг сехрли буюк кучини алоҳида зўр эҳтирос билан акс эттирилган.

Маълумки, ўзбек романчилигига хозирги хаётимизнинг бошланиши даври - 20 йиллардаги мураккаб воқеалар, кизгин синфий курашлар 50-йилларга кадар етарли даражада кенг планда акс этмаган эди. Шунинг учун Ойбек типидаги тажрибали романчиларгина эмас, айни вактда, А.Мухтор ва Р.Булом каби талантли: ёзувчилар хам бу даврга мурожат этдилар.

Адабиётшунослик фанида куп миллатлик. адабиётда ранг-баранг индивидуал услубларнинг шаклланиши ва ривожланишини атрофича кенг ва чукур урганишда ФОНТ мураккаб ва чигал проблемалардан бири услубий оқимлар типологияси проблемасига фавқулодда жиддий эътибор бёриляпти. Бу борада эришилган улкан ютуклардан бири, реализм методи доирасида камол топган услублардан бири - романтик услубий оқимни (бу баъзан "романтизм", "романтик

тасвир", "романтик тенденция", "романтик мактаб" деган ном билан юритилади), илмий асосда аниклаш, кенг йуналишга олиб кириш ва шак-шубхага урин колдирмайдиган даражада исбот кюшшда кўринади.

XX аср совет Шарки халқларининг забардаст, улкан яловбардор шоирларидан Самад Вургун романтизмда Байронни беллашишга, ижодий мусобакага чакираман, дея хайкирган эди. Яна бир адид Чингиз Айтматов Горький ва Маяковский романтизмга мафтун эканлигини маҳсус таъкидлайди. Гап бу уринда Навоий, Пушкин, Лермонтов, Байрон, Гюго каби буюк санъаткорларнинг буюк анъанаси хакида эмас; балки куп миллатли совет адабиётининг асосий методи- социалистик реализм реализм методи замирида янгидан таркиб топиб, ривожланган романтик услубий оким, хусусида боряпти. Бу хақда гап борганда йирик тадқикотчилар Н.Тихонов, О.Гончар, А.Давженко, К.Паустовский,

Э.Межелайтис, Ч.Айтматов, Р. Гамзатов ва бошка катор улкан санъаткорларнинг номини тилган олишади ва уларнинг услубини худди шу окимга мансуб деб хисоблайдилар.

Машдур адид АДодирийнинг "Утган кунлар" романи услуби романтизм билан сугорилган. Романтизмни фаол химоя килганлардан бири Ойбек эди. У узининг илк ижодида бунга содик булди. Катор шеърларида ва "Бахтигул ва Согиндик", "Уч" поэмаларида романтизм туларок куринди.

Бадиий ижод тажрибаси воеаликни ва қахрамонларни романтик услубда тасвирлаш принципларининг катор мураккабликлари мавжудлигини курсатади.

Романтик тасвир - асарнинг хамма жойларида хам бир хил меъёрда эмас. Айрим уринларда меъёр бузилади, муайян таранглик бушашиб кетади. Қахрамонларни романтик тасвирлаш принципига мувофик уларнинг сухбатлари, монологи, диалоги, нуткларини беришда хам номукосиблик аломатлари сезилади.

Романтик тасвир услубида хам композициян бирликни таъминлашнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд булади. Қахрамонларнинг бутун хаёт тафсилотига эмас, балки улар фаолияти ва кисматининг кескин бирлашадиган ва ажралиб кетадиган нукдаларига тасвирига фавкулодда жайдий ургу бериб борилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Романтизм нима?
2. Нима учун романтизмни метод сифатида фойдаланилади?
3. Романтизм методини кандай узига хос хусусиятини бор
4. Романтик тасвир деганда нимани тушунасиз?
5. Ревалюцион романтизм деганда нимани тушунасиз?
6. Романтизм ижодий метод сифатида качондан шаклланди?
7. Романтизм асосан кайси даврда жуда тараккий этди?
8. Романтик тасвирнинг етакчи хусусияти нимада?
9. Сиз ёкирган кайси асарда романтик тасвир кучли?
10. Шарқ адабиётида романтизм таращиёти масаласига кандай муносабат билдирасиз?

## 9-МАЪРУЗА. БАДИЙ АДАБИЁТДА РЕАЛИЗМ МЕТОДИ РЕЖА

1. "Реализм" атамасининг мазмун ва мохияти.
2. Реализмнинг ижодий метод сифатида шаклланиши.
3. Реализм турлари. Социалисту реализм ва унинг камчиликлари.

#### 4. Танкидий реализм ва унинг хозирги адабиётда тутган урни

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1..И.Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент уқитувчи нашриёти 1986 2.  
А.Кулжонов. Реализм ва романтизм.

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

1. Метод.
2. Реализм.
3. Услуб.

Илму адаб, ахлоҚ-одобни йигиндиси булган адабиётда реализм методи узига хос ахамиятга эга. Аввало, бу атаманинг маъноси хаҚида Реализм - бу борликка, бизнинг ураб турган барча нарсаларга реал, яъни, тугри ёндошишdir. Адабиёт соҳ.асида ха, бу атама вокеликни тугри тушуниш ва уни хамма зиддиятдари билан' бадиий образларда хакконий инъико эттириш реализм хисобланади. Демак, бундан куриниб турибдики, реализмнинг романтизмдан фарки бутун борликни Қандай булса, ушандайлигича тасвирлашдир. Романтизмда эса, бизга маълумки, бурттириш; муболагалар етакчи рольйнайди.

Бизнинг кадимги аждодларимиз, буюк ёзувчиларимизнинг асарларида, йирик насрый ва назмий хикоя ва ашъорларида романтизм етакчи ахамият касб этади. Инсонларнинг комилликка, яхши яшашга, одилона жамият куришга булган интилишлари классик асарларимизда жуда чиройли тасвирланади. Бунда, албатта романтизмдан кенг фойдаланилган. Ўз навбатида хаётдаги реал воқеликлар хам бадиий образларда талқин этилган. Бирок хали у даврда реализм маълум бир методи сифатида эмас эди.

Бизга маълумки, метод сузи, маълум бир санъаткорнинг англанаётган вокеаликка ижодий муносабатининг умумий принципи, ёки бошқачарок килиб айтганда бадиий асарда вокеликни кайта тиклаш услубларининг йигиндисидир.

Шунга кура, жаҳон адабиётида классицизм, романтизм ва реализм методлари мавжуд булиб, тарихан. узига хос шакл-шамойилига эгадир. Биз куриб утмокчи булган реализм методи эса, ана шу ижодий методларнинг энг кенжа вакили булиб, унинг келиб чикиши, метод сифатида намоён булиши XIX асрнинг 2-ярмида Европа халклари адабиётида куринади.

Бу ижодий методнинг ўзига хослиги шунда эдикӣ, аввалги даврлар адабиётида ривожланган хислатлар, реализм адабиётида юксак даражага кутарилди ва адабиётнинг асосий тамойилларига айланди. Гуманизм, инсонпарварлик каби хислатлар реализмнинг байроби булиб колди. Адабиёт, инсоннинг реал хаётини ва бу хаётининг реал шароитини тадқиқи этишга кучди.

Адабиётда реализм методи хаётга жуда янги хикоя, повсеть, роман, драма каби адабий жанрларда кенг ёйила бошланди.

Хусусан, ўзбек адабиётида реализм методи, XX асрнинг бошларида, йирик узбек ёзувчилари А.Қодирий, Чулпон, Фитрат, Махмудхужа Бехбудий, Хамза каби маърифатпарварлар ижодида намоён була бошлади. Айникса, узбек романчилигининг асосчиси хисобланган АДодирий ижодида жуда кенг урин тутади. Биргина "Утган кунлар" ёки "Обид кетмон" романларини эслатиб утишлик сузимизнинг исботига кифоя килса керак. Юқорида номлари зикр қилинган маърифатпарвар ёзувчилар, узбек халқ.ининг утмиши ва бугунини акс эттирган асарларида реализмдан жуда яхши фойдаландилар. Улар узбек халки хаётини борлигича, жуда чиройли бадиий образларда уз китобхоналарига хавола этдилар. Уларнинг реалистик хаёт ва

бадиийлик билан йутрилган асарлари бугунги кунда хар бир китобхоннинг севимли асарига айланиб, хозирги даврда х.ам Чулдан тушмай келаётган нодир ёдгорликларданdir.

Реализм методининг бу ажоийб хусусиятлари унинг жуда хам катта маърифат ахамиятини таъмин этади. Хаётни хар тарафлама ва чукур урганиш жих.атидан реализм адабиёти барча халқ.лар адабиётида катта ютуқ.ларга эга булди. ва етакчи ахамият касб эта бошлади.

Буюк руе ёзувчиси Белинскийнинг таърифича, "хаққонийлик ва бадиий таъсиранлик" - реализм методининг икки мухим талабидир. Хаётни хаққоний ва таъсиран тасвир этиш учун уни хар тарафлама кенг қамраб олиш зарур. Хаётни конфликтларни руй-рост тасвирлаш реализм адабиётининг асосий талабларидан биридир. Етук реалистик асар даврининг кучли зиддиятларини характерлар ва уларнинг беаёв кураши оркали бериш билан ажралиб туради. Хаётни конфликтларнинг чин маъносини очиб ташлаш учун реалистик тасвирда муболагага кенг урин берилади. ва бу муболага хаётни хақиқатга зид булмайди. Реализм адабиёти воситалари хилма-хил ва бой булиб, хаётни "хаётниг ўз шаклларида тасвирлашдан" бошлаб, масал, эртак ва афсонагача булган хамма шаклларини уз ичига олади.

XIX аср Европа ёзувчилари, XX асрнинг бошларидаги ўзбек ёзувчилигининг ижодида реализмнинг хаётига ва халққа якинлиги яна хам ошди унинг воситалари яна хам мукаммаллашди. Бу эса, ўз ўринда адабиётда янги босқичларни таъминлади.

Собиқ Шўролоар даврида бўлиб ўтган 1917 йил вокеаларидан сунг Россия ва ўша пайтганда 14 иттифокдош республика бирлашиб, янги тоталитар давлатнинг вужудга келтиришди. СССР деб аталган бу давлат, социалистик диктаторликка асосига курилган эди. Тенг хукукли деб номланган, аслида эса, бошка давлатлар ва миллатлар устидан зуравонлик билан хукмон булиб олган Россия, бошка миллатларнинг бой утмиш меросидан айириб, эркини тусиб, миллат узлигини йукотишга харакат килди. Бу эса ўз навбатида адабиёт соҳасини хам четлаб ўтмади. Ўз миллатини, ўз эрки ва истикболини куйлаган, орзу килган миллат уклонлари, "халқ душмани", "миллатчи" тамгалари остида 30-йиллар катаконининг курбони булдилар. Жумладан, узбек халкининг маърифатпарвар ёзувчи ва шоирлари булган АДодирий, А.Авлоний, Чулпон, У.Носир, Фитрат сингари янги адабий оким вакилларини эслатиб утиш кифоя. Айнан шу даврга келиб, реализм методининг янги тури социалистик реализм методи юзага кела бошлади. Бадиий адабиёт, айникса реалистик адабиёт сиёсат ва мафкура билан хисоблашмай иложи йук. Чунки, дар кандай шароит ва тузумда дам адабиёт шу тузумнинг реал воқеаликларини бадиий образларда талкин этади.

Шу нуктаи назардан келиб чиккан холда, социалистик реализм методи 20 - йилларда бошлаб шаклана бошлади. Бу методнинг максад ва вазифалари янги, социалистик жамиятни ва шу жамият кишиларининг баҳтили, фаровон хаётини хамда Коммунистик партиянинг "эл фаровонлиги" йулида олиб бораётган сиёсатини мадх. этишдан иборат эди. Турли миллат ва эллатларнинг ягона максад-социализм йулидан оғишмай бориб, келажакда коммунизм, куриш йулида марксчаленинча гояларни бутун омма онгига сингдириш бу давр, социалистик реализм адабиётининг вазифаси эди. Шу ёринда нарсани таъкидлаб зтиш жоизки, "реализм" атамасининг маъноси, бу даврга келиб узининг асл киёфасидан бироз узоклашди. Яъни, купрок реал воқеаликларни эмас, балки, куп хрлларда партиянинг мафкуравий короли булиб хизмат килди. Кандай асар бўлмасин, хикоями, очкерми ёки романми, албатта шу асарда социализмни партияни ёки коммунист шахсни идеал образ сифатида тасвирлаш шарт эди. Шу давр ёзувчи ва шоирлари маълум бир колипга тушиб, бугик ижод килишга мажбур эдилар.

Тугри, бу даврда хам адабиёт ривожланишдан тухтаб колмади. Аксинча, у олга караб силжиди. Шу даврда А.Кахдор, F.Гулом, М.Шайхзода, Ойбек ва бооша куплаб, йирик узбек ёзувчи ва шоирлар етишиб чивдиларки, улар узбек - адабиётида муносиб из қолдирдилар. Лекин, улар хам эркин, яйраб ижод кила олмадилар. Ўз фикрларини баралла айта олмадилар.

Социалистик реализм методининг яна бир камчилиги шунда эдики, у бой ўтмиш меросимизни "эскилик саркити", "мистик адабиёт" каби бухтонлар билан қаралади. Маълумки, утмишсиз келажак йук. Уз утмишини унутган халцнинг, миллатнинг эртаси коронгу. Социалистик реализм методи, бизнинг бой маънавий меросимизни, дииимиз, кадриятларимизни тан олмади. Уша даврларда яратилган куплаб асарларда, факат давр руҳи акс эттирилди. Шу боисдан бугунги кун китобхони учун 70-80 йиллар муаммоси, партия ва сиёсатнинг кийиги йук Чунки, бу асарларнинг катта қисми, йиллар утиши билан ўз кучин йўкотди. Юкоридаги фикрлардан куриниб турибдики, социалистик реализм методи узини оклай олмади, Маълум маънода давр методи булиб қолди.

1991 31 август куни тарихий ходиса юз берди. Асрлар давомида ушалмас орзу булиб келаётган мустакиллик, хуррият қулга киритилди. Бу эса, уз навбатида адабиётга хам ижобий таъсирини утказди. Йиллар давомида ёзувчи-шоирлар қалбида беркиниб ётган булоқлар кузочди. "Суз эркинлиги", "фикр эркинлиги" каби янги атамалар хаётга, ижодга кириб кела бошлади. Жумладан, реализм методининг яна бир тури булган танкидий раелизм, мустакиллик шарофати билан бадиий адабиётда уз урнини топа бошлади. Танклдий реализм - жаҳон адабиёти ва санъати тарихида реализм тарақдаётининг энг баланд боскичидир. Чунки, бу метод, тарихий анъаналар, кадриятларни уз урнига куяди ва ундан жуда самарали фойдаланади. Бадиий асарда танкддий реализм методи асар қаҳрамонининг ички кечинмаларини, унинг, хаётидаги ютук ва камчиликларини аник - равшан ёритиб беради. Биз бу метод ёрдамида асар қаҳрамонини якинрок. таниимиз. Реал воеаликка уз муносабатимизни билдирамиз.

Хозирги давр адабиётида бу методнинг тутган урни бекиёсdir. Бу кунги кун ёзувчиси ўз асарида бой маънавий меросимиздан бемалол фойдаланиши мумкин. Ўз навбатида хозирги замон китобхонининг онга Хам жуда яхши ривожлангаа бўлиб, ёзувчидан умрбокий, мазмунан пишиқ - пухта бадиий асар талаб килишга хакли. Танкидий реализм методи эса, ижодий метод сифатида бугунги давр руҳи билан хамнафас равишда ривожланиб бориб, инсонларнинг эзгу ва хайрли ишлари йулида хизмат килмоги лозим. Бугунги кун талаби хам шудир.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Реализм нима?
2. Реализм метод сифатида качон шаклланган?
3. Реализмнинг кандай турларини биласиз?
4. Танкидий реализм асосчилари кимлар?
5. Социалистик реализмнинг кандай принциплари бор?
- 6.. Социалистик реализмнинг дандай камчиликлари бор?
7. Бу даврда кандай ёзувчилар етишиб чиқди?
8. Хаёт хақиқати масаласи социалистик реализм даврида қандай хал этилди?
9. Ўзбек адабиётитда тоталитар тузум даврда кандай асарлар яратилди?
10. Уларнинг ютук ва камчиликлари нимада?





